

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УДК.....

М. Рустамова

**Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний уламоларга нисбатан
юритган қатағон сиёсати (1920-1930 йиллар)
мавзусидаги**

Мутахассислик: 5А120301 - Ўзбекистон тарихи

ЎҚИТУВЧИ МАЛАКАВИЙ ИШ

Илмий раҳбар: С.Хошимов
Тарих фанлари номзоди, дотсент

Андижон – 2013 йил

Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний уламоларга нисбатан юритган қатағон сиёсати (1920-1930 йиллар)

Кириш

1-боб. Совет ҳокимиятини динга бўлган муносабати

2-боб. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний уламоларга нисбатан юритган чеклаш сиёсатлари.

3-боб. 1937-1938 йилларда диний уламоларнинг оммавий қатағонга тортилиши.

Хулоса

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

Иловалар.

КИРИШ

Мустақиллик йилларида республикамизда туб ислохатларни ўтказиш жараёнида миллий тикланиш, маънавий янгиланиш ва миллий ўзликни англаш ва эркин тафаккурга эга бўлган жамият аъзоларини тарбиялаш каби улуғвор ишларда тарих фанинг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормокда. Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият - енгилмас куч” номли асарида эл-юртимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида кўплаб маъшум хатарларни бир неча бор кўргани, уларнинг жаюру жафосини тортгани ҳақида тўхталиб мана бундай деб ёзган эди: "Шундай асоратлар туфайли

тилимиз, динимиз ва маънавиятимиз бир пайтлар қандай хавф остида қолганини барчамиз яхши биламиз. Ана шу фожиали ўтмиш, босиб ўтган машаққатли йўлимиз барчамизга сабоқ бўлиши, бугунги воқеаликни теран таҳлил қилиб, мавжуд таҳдидларга нисбатан доимо огоҳ бўлиб яшашга даъват этиши лозим. Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ... Тарихий хотира туйғусини тўлақонли равишда тикланган халқ, босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади. " ¹

Инсоният тарихининг кўп асрлик тажрибаси эзгу ғоялардан, соғлом мафкурудан маҳрум бирор-бир жамиятни узоққа бора олмаслигини кўрсатди. Шу боис мустақиллик туфайли мамлакатимиз ўз олдига озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин олиш, демократик жамият қуриш каби эзгу мақсадларни қўйди. Ушбу мақсад ва вазифалар юртбошимиз И.А. Каримов ташаббуси ва раҳнамолиги остида жадал сурталар билан бажарилмоқда.

Истиқлол йилларида тарихий жараёнларни ўрганишда эскириб қолган, ҳаёт синовидан ўта олмаган методология ўрнини тамоман янгича методология эгаллай бошлади. Ватанимиз тарихини холисона ва ҳаққоний ёритиш борасида ҳам, нисбатан қисқа давр ичида ниҳоятда катта ва кенг кўламдаги илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди. Амалга оширилган ушбу ишларда Ўзбекистоннинг яқин даври тарихи, яъни мустабид совет тузуми даври, хусусан Ўзбекистон совет истибдоди давридаги тарихимизнинг аламли ва қайғули саҳифаларидан бири 1937-1938 йиллар “Катта террор” сиёсати тарихини ўрганиш ва уни ҳаққоний тарзда ёритиб бериш асосий ўрин эгаллайди.

Мустабид совет тузуми даврида ушбу қатағончилик сиёсатига мутлақо махфийлик тамғаси босилиб, сир сақланиб келинган. Яъни мустақилликка эришилгунгача бўлган даврда ушбу сиёсатни ўрганиш ва унинг бутун совет ҳукуматида яшовчи барча миллат вакиллари хусусан ўзбекларнинг ҳам ушбу “Катта террор” сиёсатининг қурбони бўлганлиги оммадан яшириниб келинган.

Ушбу сиёсатни халқ оммасига келтирган маънавий ва моддий зарари ҳақидаги Президент Ислом Каримов шундай деган: “1937-1938 йилларда собиқ СССР ҳудудида мудҳиш оммавий сиёсий қатағонлар амалга оширилган эди. Унинг салбий оқибатларини ўзимизга тасаввур этиш учун биргина Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташлангани эслаш kifоя. Инсоний қадр-қиммати топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида нафақат арбоб ва зиёлилар, балки юзлаб оддий инсонлар, юртимизда истиқомат қилган деярли барча миллат ва элатларнинг вакиллари бор эди. Шу даврда қанча-қанча одамларнинг ўз оиласидан жудо бўлгани аёллар беваликка, гўдаклар етимликка маҳкум этилгани, минглаб миришкор деҳқонларнинг қулоқ сифатида олис ўлкаларга сургун қилингани инобатга олсак, халқимиз бошига тушган фожеанинг даҳшати яънада яққол намоён бўлади.” ¹

Тарихимизнинг аянчли, ҳасратли, фожатели саҳифаларининг чуқур ва атрофлича ўрганилишида бор ҳақиқатни акс эттириш таъкидланади. Ўзбекистонда советлар томонидан амалга оширилган қатағончилик сиёсати тарихшунослиги ҳудудлар мисолида ушбу кунгача алоҳида тадқиқот объекти бўлмаган. Шунинг учун ҳам ушбу битирув малакавий ишимиз мавзусини “Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний уламоларга нисбатан юритган қатағон сиёсати сифатида белгиладик.

Ўзбекистонда совет ҳокимияти йилларида динга ва диний уламоларга нисбатан юритилган чекловлар, таъқиб ва қатағон сиёсати совет тарихшунослигида умуман ўрганилмаган. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, мустақиллик йилларида мавзу

¹ Каримов Ислом. “Юксак маънавият – енгилмас куч”, Тошкент, “Маънавият”, 2008, 4-5, Б.97

¹ Каримов Ислом. “Юксак маънавият – енгилмас куч”, Тошкент, “Маънавият”, 2008, 97 - 98 бетлар

тарихшунослиги мутлақо янги босқичга кўтарилди. Мустақиллик йилларида яратилган тадқиқотларда тарихчи олимлар янги очилган архив ҳужжатлари ва бошқа манбаларга асосланиб, муаммога мутлақо бошқача ёндашдилар. Хусусан, Р.Аминова, А.А.Голованов, И.М.Саидов¹лар ўзининг асарларида масалага янгича ёндашдилар.

Совет даврида яратилган тарихий тадқиқотларда динга нисбатан юритилган сиёсат, рухоният вакилларига нисбатан қўлланилган турли таъқиблар ва чекловлар ҳамда диний уламоларни қулоқ қилиш компанияси давомида қишлоқ аҳолиси орасидан юлиб олиб қамаш, отиш ва сургун қилиш, сургундагиларнинг азоблари каби фожиали воқеа ва ҳодисалар рўй-рост очиб берилмаган. Аксинча, коллективлаштириш большевизмнинг аграр сиёсати эришган катта ютуғи сифатида баҳоланган, ҳатто бу тажриба “демократик йўл”дан бораётган чет давлатларга “эксперимент” тарзида тавсия қилинган. Улар ҳам большевиклар қўллаган коллективлаштириш фожиасига гирифтор бўлганлар.

Мустақиллик йилларида яратилган “Ўзбекистоннинг янги тарихи” асарининг 2-китобида² Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний уламоларга юритган қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари илк марта ёритилди. Шунингдек, мазкур мавзу бўйича янгича методологик қарашлар ўрта мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари учун чиқарилган дарслик ва қўлланмаларда ўз аксини топди³. Тарихчи олим Р.Шамсутдинов ўзининг монографиялари ва бошқа тадқиқотларида⁴ Ўзбекистонда биринчи бўлиб ушбу муаммонинг жуда кўп жиҳатларини ёритиб берди. Унинг асарларида Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда ўтказилган қулоқлаштириш компанияси даврида диний уламоларга нисбатан совет органларининг юритган репрессив сиёсатининг бутун даҳшатлари тасвирланган. Шунингдек, Р.Шамсутдинов томонидан мавзуга оид кўплаб архив ҳужжатлари турли тўпламлар ҳолида нашр қилинмоқда.

Р.Т.Шамсутдиновнинг “Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун” номли монографиясида Ўрта Осиё минтақасидаги коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва бу сиёсий компанияларга қарши ҳаракатлар, қишлоқдаги исёнлар, аёллар кўзғолонлари, 1930-1932 йиллардаги “қулоқлар” сургуни, муҳожирликдаги “қулоқлар”, Украина ва Шимолий Кавказга сургун қилинганлар ҳаёти, Ўрта Осиёдаги меҳнат посёлкалари, “қулоқлар”нинг ўз юртларига қайтиши масалалари ёритилиши бароборида совет ҳокимиятининг диндорларга ва рухоният вакилларига нисбатан юритган сиёсати масалаларини ҳам кенг ва атрофлича очиб берган. Шунингдек, муаллиф ўз асарида қишлоқ фожиаси сабабчилари, айбдорларининг номларини келтиришга журъат эта олган. Л.Н.Бельский, Е.К.Евдокимов, В.А.Каруцкий, Л.Г. Миронов, Г.П.Матсон, В.М.Куруковский, Н.М.Райский, Р.А.Пиляр, А.А.Слуцкий, К.Я.Бауман, М.Д.Берман, И.А.Зелинский, Л.Б.Залин, Н.А.Загвоздин, Н.Ю.Перконлар Ўрта Осиёда коллективлаштириш, қулоқ қилиш ва сургун этиш компаниясининг тепасида туриб,

¹ Аминова Р.Х. Коллективлаштириш ва қашшоқлаштириш демак. // Шарқ юлдузи, 1992. №12. Б. 183-188; Унинг ўзи. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. –Т.: Фан, 1995; Аминова Р., Жамолхожи И. Қулоқ қилинганлар қисмати // Мулоқот, 2001. № 4. –Б. 25-26. Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция и социальное положение.(1917-1937гг.) -Т.: Фан, 1992; Голованов А.А., Саидов И.М. Дехканство Узбекистана на историческом повороте второй половины XIX –первой трети XX вв. - Самарканд, 2007.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2- китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев. - Т.: Шарқ, 2000.

³ Алимова Д. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917- 1991й.) 10- синф учун дарслик. – Т.: Шарқ, 2000; Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи(1917- 1924й.) Ўқув қўлланмаси. – Т.: Университет, 2002; Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар (Учинчи китоб). Андижон, 2004 ва б.

⁴ Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари .

махаллий арбоб ва ходимлардан иборат катта таянчга эга бўлганликлари кўрсатилган¹.

Р. Шамсутдиновнинг ҳаммуаллифликдаги бошқа монографик тадқиқотида² Ўзбекистонда коллективлаштириш, қулоқ қилиш ва сургун этиш тарихининг турли талқинлари, коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун ва уларга қарши деҳқонлар кураши, Шимолий Кавказга сургун қилинганларнинг фожиали ҳаёти катта, кенг ва хилма-хил манбалар асосида ёритилган. Асарда аввал эълон қилинмаган ҳамда Тошкент, Москва ва Ставрополь ўлкасида махфийлик тамғаси билан сақланган архив ҳужжатлари ҳамда сўнгги вақтда хорижда нашр юзини кўрган ҳужжат ва материаллардан кенг фойдаланилган ва улар биринчи бор илмий истеъмолга киритилган.

“Ватанимиз ўтмишидан”³ тўпламидаги мақолаларда ҳам Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний уламоларга нисбатан 1920-1930 йилларда юритган қатағон сиёсатининг айрим қирралари ҳақида янги маълумотлар берилган.

Мазкур мавзуга оид методологик характердаги янги ёндашув ва талқинлар Д. Алимованинг икки жилдлик тадқиқотида⁴ ҳам ўз аксини топган. Шунингдек, Д. Алимова ва Р.Шамсутдиновнинг мақоласида⁵ мавзунинг тарихшунослиги масалалари ёритилган.

М.Абдуллаев ва А.Мамажонов, М.Л. Акбарова, Х. Курбонов, Б.Ботироваларнинг номзодлик диссертацияларида⁶ совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги қулоқ қилиш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари ҳамда коллективлаштириш жараёнида дин ва диний уламоларга нисбатан юритган сиёсати масалаларининг айрим жихатлари очиб берилган.

Амалга оширилган ушбу ишларда Ўзбекистоннинг яқин даври тарихи, яъни мустабид совет тузуми даври, хусусан Ўзбекистон совет истибдоди давридаги тарихимизнинг аламли ва қайғули саҳифаларидан бири 1937-1938 йиллар “Катта террор” сиёсати тарихини ўрганиш ва уни ҳаққоний тарзда ёритиб бериш асосий ўрин эгаллайди.

1937-1938 йиллар собиқ Иттифоқ тарихига қатағоннинг энг юқори чўққисига чиққан даври, «Катта террор»нинг апогеяси сифатида кирган. Сўнгги вақтда чиққан айрим асарларда¹, республика ва хорижда эълон қилинган қатор илмий мақолаларда 1937-1938

¹ Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси...-Б.17-18.

² Шамсутдинов Р, Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати. – Т.: Шарқ, 2005. – Б.335.

³ Ватанимиз ўтмишидан. –Андижон: Andijon-nashriyot-matbaa, 2007. –Б.200.

⁴ Алимова Д.А. История как история, история как наука. –Т.: Ўзбекистон, 2008. –Т.1. с.280; Т.2.- Т.: Ўзбекистон, 2009. с. 184.

⁵ Алимова Д., Шамсутдинов Р. К изучению проблем истории историографии и истории коллективизации сельского хозяйства// O'zbekiston tarixi. 2007. N1. с. 24-35.

⁶ Абдуллаев М. Ўзбекистонда советларни қулоқ қилиш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари (1925- 1945й.).Тарих фанлари номзоди...дисс. автореферати. –Т.2002; Мамажонов А. Коллективлаштириш жараёнида Ўзбекистон қишлоқларидан Шимолий Кавказга сургун қилинганлар. Тарих фанлари номзоди...дисс. автореферати. Андижон, 2005., М.Л.Акбарова. Урта Осиёдан Козогизтонга сургун қилинган қулоқлар ва уларнинг тақдири. (1926-1956й) Тарих фанлари номзоди...дисс.авторферати. –Т.2010.

¹ Репрессия: 1937-1938 год. Документў и материалў. Вўпуск №1. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Каримов Н.Ф., Юсупов Э.Ю. – Т.: Шарқ, 2005, -С.285; Шамсутдинов Рустамбек. Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август-5ноябрь). Иккинчи китоб. –Т.: Шарқ, 2007. – Б.495; “Репрессия” 1937-1938гг. Документў и материалў. Вўпуск 3. Жертвў Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э., Мамажонов А, Дўсматов Э. –Т.: Шарқ, 2007. –С.495; “Репрессия” 1937-1938гг. Документў и материалў. Вўпуск 4. Жертвў Большого террора из Узбекистана. 1937 год, декабрь. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Абдуллаев М., Дўсматов Э.П., Курбанов Х.Р. –Т.: Шарқ, 2008. –

йилларда катагон бўлганларнинг маълум қисми ҳақидаги янги тарихий маълумотлар илмий истеъмолга киритилган уларнинг ичида катагон домига тортилган руҳоният вакиллари ва дин пешволари ҳам борки ушбу манбалар мавзуни ёритишда асосий хужжатлар бўлиб хизмат қилади.

Битирув малакавий ишининг назарий ва методологик асосини илмий билишнинг диалектик методи, узвийлик, бир бутунлик тамойиллари, холислик, тарихийлик, тизимлилик, тадрижийлик, Ўзбекистон Республикасининг миллий истиқлол мафкураси, миллий ғоя, Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш, ўзбек миллий давлатчилиги ва унинг тарихини бунёд этиш тўғрисидаги методологик, назарий кўрсатмалари ташкил этади.

Президент Ислом Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарлари, 1999 йил 2 февралда “Туркистон” газетаси муҳбирининг берган саволларига жавоблари, 1999 йил 12 майдаги Фармойиши ва унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги “Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги қарори, Президентимизнинг 2001 йил 1 майда қабул қилган “катагон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги қарори, ҳамда 2008 йил 31 августдаги “катагон қурбонлари хотираси” музейида сўзлаган нутқи мазкур мавзу тадқиқоти учун муҳим методологик, концептуал аҳамиятга молик бўлди.

Масалан, Ислом Каримовнинг совет тузуми “қаттол замон” тақозоси билан ўз даврида бири “қизил аскар”, бири “босмачи”, бири “қулоқ”, бири “комиссар”, яна бири “муштумзўр”, яна қай бири “йўқсил” деб гуруҳларга ажратилгани, “бўлиб ташлаш, ҳукмронлик қилиш” учун энг маккор усуллар ишга солиниб, бир миллат вакилларини бир-бирларига қарши қайраш, адоват ва низо уруғини сочишни амалга ошириш, шу боис ота-боболаримизга ана шундай ранглар билан ажратиб баҳо бермаслигимиз, балки уларнинг ҳаётини, улар яшаган давр моҳиятини тўғри тушунишимиз лозим, деган фикрлари бизнинг тадқиқотимиз учун ҳам айна методологик кўрсатма бўлиб хизмат қилади¹.

Шунингдек республика олимларининг илмий – назарий асарлари² ҳам ишнинг методологик базасини ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Битирув малакавий ишимизнинг илмий янгилиги шундаки миллий истиқлол мафкураси ва миллий ғоя руҳида миллий, тарихий, диний қадриятларни тиклаб, уларни ўз жойига қўйилаётган ва бойитилаётган ҳозирги давр нуқтаи назаридан 20-30 – йиллардаги ўтмишимиз илмий таҳлил қилинди ҳамда совет ҳокимиятининг динга ва диндорларга нисбатан юритган катагон сиёсати масалалари бирламчи манбалар асосида очиб беришга ҳаракат қилинди. Шунингдек, совет режимининг диний уламоларга,

С.573. Шамсутдинов Рустамбек. Катагон қурбонлари. (1938 феврал, сентябр). Бешинчи китоб. –Т.: Шарқ, 2009. –Б.413.

¹ Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. “Туркистон” газетаси муҳбирининг берган саволларига жавоблари. //“Туркистон” газетаси, 1999 йил 2 феврал.

² Қаранг: Аминова Р.Х. Коллективлаштириш - қашшоқлаштириш демак. //Шарқ юлдузи. 1992, -№12, -Б.183-188, ўша муаллиф. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. – Т.: Фан, 1995; Алимова Д.А. Ҳозирги давр тарих фанининг вазифалари. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал методологик муаммолар. –Т.: Академия, 1999. - Б.7-16; Алимова Д.А., Каримов Э.Э. Задачи исторической науки на современном этапе. // Обществ.науки в Узбекистане. 1996. -№11. -С.21-32; Алимова Д.А. Хотирага нақшланган ёзувлар. // Мулоқот.2002. -№3. -Б.13-15; Алимова Д.А., Шамсутдинов Р.Т. К изучению проблем истории историографии и истории коллективизации сельского хозяйства. //O'zbekiston tarixi (History of Uzbekistan). 2007. -№1. -С.24-34; Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. (Ўрта Осиё республикалари мисолида). -Т.: Шарқ, 2003. –Б.5-45. ва бошқалар.

имомлар, рухоният вакилларига қарши олиб борган иқтисодий, сиёсий, мафкуравий қатағон сиёсати ва унинг турли кўринишлари фожия этилди;

Ушбу битирув малакавий ишимиз амалий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, изланиш натижасида вужудга келган маълумотлар, хулосалар умумлаштирилиб ва тартибга келтирилди. Ушбу натижалар Ўзбекистонда амалга оширилган диний уламоларга нисбатан советларнинг қатағончилик сиёсатини ва унинг фожияли оқибатларни ўрганиш ва бу ҳақда маълум бир тасаввур ҳосил қилишга хизмат қилади.

Битирув малакавий ишда келтирилган маълумотлар, умумлаштирилган назарий хулосалардан таълимнинг турли босқичларида дарс ўқишда фойдаланиш мумкин.

Энг муҳими, битирув малакавий ишимиз ёшларни миллий истиқлол, миллий ғоя руҳида тарбиялашда катта амалий аҳамиятга эгадир.

1-боб. Совет ҳокимиятини динга бўлган муносабати

Собиқ совет тузуми иқтисодий таянчларининг вужудга келиши маънавий ҳаётнинг зўравонлик билан умумийлаштириш, коммунистик мафкуранинг кенг миқёсда ёпирилиб кириши билан бирга борди. Бундай ёндашув сон-саноксиз истилочилар тўдалари томонидан халқни маънавий жиҳатдан мустамлака таъсирига олиш соҳасида синаб кўрилган андозага тўла тўқис мос келади. Шу муносабат билан Президентимиз И. А. Каримов асосли равишда таъкидлаб ўтганидек, «Узоқ тарихимиздан маълумки, ҳар қандай зўравон босқинчилар ва юртимизда ҳукмронлик қилмоқчи бўлган кучлар ёвуз ниятларига эришиши учун, аввало, миллий маданият ва анъаналаримизни йўқ қилиш, шу йўл билан бизни маънавий жиҳатдан заифлаштиришга, куч-қудратимизни йўқотишга ҳаракат қилганлар».¹

Маълумки, кўп минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек халқи октябрь тўнтариши даврига, ғоят бой маданий меросга эга эди. Бироқ ҳокимиятни советлар қўлга киритгандан кейин Туркистон жамиятининг маънавий ҳаётига ҳалокатли зарбалар берилди. Совет тузумининг «маданий» сиёсати аввал бошдан ахлоқ, адабиёт, санъатни самарали миллий заминдан ажратиб қўйишга, миллий фикрлаш тарзига ёт бўлган «пролетар маданияти»ни ва коммунистик мафкурани сингдиришга мўлжалланган эди.

¹ Каримов.И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин...// Халқ сўзи. 1998 йил 17 июнь.

Маданий соҳаларни мафкура измига солиш дин масалаларини ҳам четда қолдирмади. Марксизмга асосланган совет мафкурачилари исломнинг юксак илмий-маданий қимматини инкор этиш учун нисбатан «социалистик турмуш тарзига мос келмайдиган» эски, қолоқ, реакцион қарашлар деган устқурмани танлаб олдилар.

Большевик ҳукмдорлар ўлкада мустабид-империяча тузумни барпо этиш мантиғига амал қилиб ва тузумга тўғри келмайдиган ижтимоий онг шакллларини, айниқса маҳаллий халқларни бирлаштирувчи куч сифатида намоён бўлаётган ислом дунёқарашини сиқиб чиқаришга интилиб, аввало маҳаллий аҳолининг азалдан амал қилиб келган диний эътиқодига кенг ҳужум қилишни авж олдирдилар.

Совет ҳукумати ва коммунистик партия Туркистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатган дастлабки даврлардан бошлаб халқимизнинг миллий ва диний қадриятларига қарши сиёсат юргиза бошлади. Бу моҳиятан тушунарли ҳолдир. Чунки, совет ҳокимияти халқимизнинг миллий ва диний маънавиятига ўзгартирмасдан туриб бу ўлкада узок муддат ҳукмронлик қила олмасликларини яхши билар эдилар. Аммо дин ва диний уламоларга қарши қатағон сиёсатини большевиклар бирданига эмас, балки аста-секин ва босқичма-босқич амалга ошириб бордилар. Россия совет Республикаси ХКС 1917 йил 20 ноябрда эълон қилган «Россия ва Шарқ-нинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаатида: «Сизнинг дин ва урф – одатларингиз... Бундан буён эркин ва дахлсиз...»¹ деб эълон қилинди. Бироқ реал ҳаётда бунинг акси бўлди.

Марказий ҳукумат- Халқ Комиссарлари Совети 1918 йил 2 январда черковни давлатдан ажратиш тўғрисида қабул қилган декрети жорий этилиб, «Туркистон мухторияти» тугатилгандан кейин 1918 йил бошларидан эътиборан атеистик экстремизм сиёсати айниқса фаол равишда ўтказила бошланди. Бу декрет РСФСР ва собиқ Иттифок Конституциялари асосида қабул қилинган Ўзбекистон ССР нинг 1927 ва 1937 йилларда қабул қилинган Конституциялари учун асос қилиб олинди ва виждон эркинлиги ғояси илгари сурилди. Амалда эса мутлоқо бошқа қонунлар ҳукмронлик қилди. 1918 йил ноябрида Туркистонда эълон қилинган динни давлатдан, мактабни диндан ажратиш тўғрисида декрет, шу каби қатор бошқа кўрсатмалар асосида мачитлар ва мадрасалар ёппасига ёпила бошланди, ислом динига, унинг раҳномаларига кучли тазйиқ, ҳақорат, хўрлашлар авж олдирилди. 20-йиллар бошларида халқ оммасининг қаҳри-ғазаби ошиши натижасида вақфлар, қозиликларнинг тугатилиши тўхтатилган бўлса ҳам (кейинроқ 1928 йил махсус қарор билан вақфлар тугатилган) советлар ҳокимиятининг ерли аҳоли маданияти, имон-эътиқодига душманлик сиёсати ўзгармади. Бундай сиёсат собиқ Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги ҳудудларида ҳам совет тузumi ўрнатилиши билан қўлланила бошланди.

Хоразм республикаси тузилиши билан большевиклар, қизил армия командирлари халқ эътиқодини ҳақорат қилдилар. Маданий обида бўлган хон саройида солдатлар казармаси жойлашди, отлар боғланди. Мадрасалар ёпилди, вақф мулклари мусодара қилинди, 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва қизлар рўйхатини тузишга буйруқ берилди. Бу буйруқ эълон қилинган куннинг эртасига Мухаммадаминхон мадрасисида имом, охун, қози ва бойлар намоёишга йиғилдилар. Оқсоқоллар ўзига қарашли аҳолини бу намоёишга келишгагина эмас, бутун совет ҳукуматига қарши ташвиқот қилдилар. Натижада 1920 йил июнида Хивада мадраса ўқувчилари, мударрислар исён кўтардилар. 5-6 минг киши қатнашган қўзғолонни қизил аскарлар ёрдамида бостирдилар. Исённинг ташкилотчилари қамоққа олиндилар ва қозикалон Иброҳим охун ва Рафи охун, Саиджон қори, Мулла Мухаммадниёз Баходирхон, Мухаммадамин охунлар отиб ташланди.² Қўзғалон шафқатсиз бостирилганига, ғалаба қилмаганлигига қарамай, жамиятнинг

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев.- Т. : Шарқ, 2000.-Б.394

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев.- Т. : Шарқ, 2000.-Б.394

ижтимоий-сиёсий ҳаётига кучли таъсир кўрсатди. Бу воқеа жамиятда руҳонийлар катта куч эканлигига, халқ оммаси советларга нисбатан руҳонийларни кўпроқ қўллаб-қувватлашини намоён қилди. Совет ҳукумати диний сиёсатини ўзгартиришга мажбур бўлди.

Бухоро шахрига Фрунзенинг қизил армияси ҳужум қилиб, снарядлар ёғдирганида маданий-тарихий аҳамиятга эга бўлган арк, бошқа обидалар ёнғинда қолди, вайрон бўлди. Машҳур Минораи Калон тўплардан нишонга олинди, унга жиддий зарар етказилди. Пойтахтда, қатор вилоят ва туманларда мачитлар, мадрасалар бузилди, қўшин отхоналарига айлантирилди. Россия эмиссари И. Сольц Бухоро республикасида иккита вазифа бўлиб, улардан биттаси «мулаларнинг ғоявий таъсирига қарши кураш», деб белгиланади. Сўл гуруҳлар «эски мактабларга қарши кураш»ни байроқ қилиб кўтардилар.

1929 йилдан собиқ иттифокда черков ва масжидларга қарши янгитдан ҳужум бошланди. 1929 йил 8 апрелда ҳукуматнинг черков ва масжидларнинг даромадини назорат қилишни кучайтириш тўғрисида фармони қабул қилинди. 22 майда собиқ иттифок конституциясининг 13 моддасига тузатиш киритилди, диний маданий кадриятларга эркинлик бериш баробарида унга қарши ташвиқот олиб боришга ҳам руҳсат этилди. Диний тарғибот бора-бора давлатга қарши сиёсат деб баҳолана бошланди. Диндорлар ва диний хизматчилар ҳамда уларнинг оилалари фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этилди. Улар “ҳуқуқдан маҳрум этилган”лар сингари савдо карточкаларидан, тиббий ёрдам олишдан, коммунал уй-жойлардан маҳрум этилган. Диндорларнинг болалари мактабга бориш ва олий ўқув юртларида ўқишдан маҳрум қилинди. Натижада диний уламоларнинг фарзандлари яшаш ва ўқиш учун отадан воз кечиб, фамилияларини ўзгартиришга мажбур бўлдилар. Юзлаб черков ва масжидлар, жумладан тарихий обидалар бузиб ташланди. Собиқ иттифок марказида эса сақланиб қолган черковларнинг кўнғироқларини саноатда метал кераклиги баҳонасида олиб ташланди ва кўнғироқлар овози ишчиларни ишлашига “халақит бермаслиги керак” деб уқтирилди.

1929 йил бошида Л.М. Каганович имзоси билан жойларга жумладан Ўзбекистонга ҳам диний ташкилотлар бирдан-бир легал ҳаракат қилаётган ва оммага таъсир кўрсатувчи аксилинкилобий кучдир, деган деректива юборилди. Жойларда большевистик ташкилотлар учун ушбу ҳужжат дин ва диндорларга муносабат учун бирдан-бир асос бўлди. Большевиклар ўзларининг ҳокимиятда тутган йўлларини нисбатан мустаҳкамлаб олган даврдан бошлаб ҳамма жойда муҳолифатдаги газеталарни, миллий диний-сиёсий ташкилотларни ёпиб қўя бошладилар, диний муассасаларнинг мол-мулки мусодара қилиниб, руҳонийлар ва обрўли мусулмон арбоблари айбсиз ҳибсга олинди.

Совет ҳукумати ва коммунистик партия «дин-халқ учун афюндир» деган ғояга амал қилди. Диндорлар таъқиб ва тазйиқ остига олинди. Диний адабиётлар «реакцион» деб эълон қилинди. Диний китобларни йўқотиш баҳонасида араб имлосига асосланган эски ўзбек имлосидаги барча китоблар йўқ қилинди. Мачитлар ва мадрасалар бузиб ташланди.

Ўша пайтларда илғор руҳонийларнинг берган маслаҳатлари, уларнинг тинчлик-тотувлик билан таълим ислоҳатларини амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари рад этилди. Чунки расмий ҳукумат улардан хавфсираб, бу янги шароитга мослашиб олиш учун уринаётган руҳонийларнинг айёр сиёсатидир, деб баҳоланди. Партия ва давлат арбоблари орасида ислом дини Ўрта Осиёдаги маҳаллий миллатларнинг мустамлакачилик зулмига ва руслаштиришга қарши раҳнамоси деган фикр мавжуд эди. Шунинг учун ҳам динга ва руҳонийларга қарши 30-йиллар очикдан-очик «совуқ уруш» эълон қилинди. Бунинг учун махсус «курашган худосизлар» ташкилоти тузилиб, унинг бўлинмалари барча қорхона ва муассасаларда ташкил этилди. «Курашган худосизлар» иттифоки умумий шубҳаланиш вазиятини кучайтиришда катта роль ўйнади. Унинг фаолиятида ёш қизларни турмушга бериш, қалин олиш, аёлларни хўрлаш ҳолларига қаршилиқ кўрсатиш каби ишларда ижобий натижаларга эришилган бўлса-да, бироқ руҳонийлар ва динга эътиқод қилувчиларга нисбатан шафқатсиз кураш олиб боришда салбий роль ўйнади. Бу ташкилот берган маълумотлар асосида республика ҳукумати томонидан 1931 йилнинг

Ўзида Фарғона, Бекобод ва Тошкентда бир қатор черковлар, масжидлар ва диний мактаблар ёпиб қўйилди. Тошкентнинг Октябрь тумани аҳолиси камсомол клубларига айлантирилган масжидларни халққа қайтаришни талаб қилиб чиқди. Лекин бу чиқишлар тузумга қарши уюштирилган тарғибот деб баҳоланди. «Курашган худосизлар» иттифоқи ҳисоботида қўра, 1931 йилда беш йиллик режа бажарилган бўлиб, унинг сафига Ўзбекистонда 90000 киши аъзо бўлган, улардан 60000 нафари ёшлар эди.¹ Лекин, шунга қарамайдан, Ўзбекистон халқлари диний эътиқоддан, диний қадриятлардан мутлоқо воз кечмади. Большевикларнинг динга қарши зўравонлиги ва таъқиблари остида бўлса-да, бу эътиқодни имкон даражасида сақлаб қолишга ҳаракат қилди.

Бироқ большевистик сиёсий доиралар ўзгача динни, ўзгача эътиқодни халқ онига сингдиришга ҳаракат қилди. Бу дин-партиянинг дини, яъни марксизм ғояси эди. Бу ғояни оммалаштириш учун барча имкониятлар, воситалар ишга солинди. Жамиятга асосий мафкура сифатида марксизмнинг киритилиши натижасида бошқа дунёқарашлар батамом инкор этилди. Марксизм ғоясини қабул қилмаган ҳар бир киши, у ким бўлишидан қатъий назар, «халқ душмани» деб эълон қилинди.

Совет тарихида масжид ҳамда мадрасаларга нисбатан оммавий тазъийқ ва таъқиб икки марта бўлган. Бири 1934-1939 йилларда, иккинчиси эса 1954-1955 йилларда. 1929-1939 йиллар орасида фақат биргина Ўзбекистон ҳудудининг ўзида 14000 масжид ёптирилиб, буздирилган. Шайхлар, имомлар ва бошқа диний арбоблар жазоланган: қамоққа олинган, сургун қилинган ва ўлдирилган.²

Жумладан қорақалпоғистон республикаси, Беруний тумани ҳудудидаги пайғамбар Муҳаммад Саллолоху алайҳи вассаломнинг дўсти Султон Вайс бобога атаб IX асрда қурилган макбара ва масжиднинг тиллодан ясалган жиҳозлари, ҳар хил буюмлари 30-йилларда талон-тарож қилинди. Мадраса эса бузиб ташланди. 1935 йилга оид маълумотларга қараганда Бухоро шаҳридаги Девонбеги мадрасасида Бухоро ёдгорликларини сақлаш комиссиясининг иш юритиш хонаси, экскурсия базаси жойлаштирилган. Кўкалдош мадрасаси ва Девонбеги хонақосида Бухоро шаҳар музейи бўлими жойлашди. Масжиди Калондан ғалла омбори сифатида фойдаланганлар, қўшмадрасада пахта сақланган. Худди ўша 1935 йилги маълумотларда таъкидланишича, Мир Араб мадрасаси, Баҳовуддин Нақшбанд мазори ҳамда масжиди ва бошқалар диний марказлар сифатида қоралаб келинган. 1938 йилда Бешкентда туман партия ва ижроия кўмиталарининг қўшма ҳаёятининг йиғилиши бўлди. Унда Маманазаров, Жмак, Отабоев, Жовлиев, Асланова, Дорошенко, Шахобидиновлар қатнашган. қўшма ҳаёят «Касби қишлоқ советидаги кўхна масжид ҳақидаги масалани кўриб чиқади. қабул қилинган қарорда:»... қишлоқдаги майдонда фойдаланмай хароб бўлиб кетган масжид Сталин номли жамоа хўжалиги аъзоларининг розилиги билан масжиднинг керакли ғиштлири олиниб, бошқа керакли жойга ҳаржлансин ва шунинг тасдиғи жавоби ЎзССР Марказий Ижроқўмининг ҳайъатидан сўралсин»³ дейилган эди. Ана шу тариқа қадимий тарихий обидалар, масжид ва мадрасаларни бузиш, ғиштлирини «керакли» жойларга ишлатиш, жамоа хўжаликларининг «розилиги» билан бутун Ўзбекистон ҳудудида анъанавий тус олган эди.

Маълумки, Ўзбекистонда “муқаддас” ҳисобланмиш зиёратгоҳлар, диний арбоблар, “авлиё” мақомини олган зотларнинг қабрларини зиёрат этиш асрлар давомида халқ оммаси ичида урфга кирган, аҳоли ичида “азиз-авлиё” деб ном олган шаҳарларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром баланд даражада эди. Республикамизда ўша йилларда 74 та рўйхатдан ўтган шундай “муқаддас” қадамжолар бўлиб улар доимий тарзда партия органлари диққат

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев. - Т. : Шарқ, 2000. - Б.394

² Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993 йил, 4 июнь

³ Саидов М., Равшанов П. Жейнов архиви Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашр. 1996. - Б.226.

назарида турган.¹ Маҳаллий советлар қошидаги комиссиялар бу вазиятни доимий назоратда ушлаб туриб, муттасил равишда дин, диний расм-русумлар, авлиёлар қабрларини зиёрат қилишнинг зарарли тамонлари ҳусусида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борганлар.

20-30 йиллар атеистик ҳаракатнинг кучайиши билан таърифланади. Партия органлари айниқса ёшлар орасида динга қарши кенг миқёсда ташвиқот-тарғибот ишлари олиб бордилар. Атеизмга доир махсус газета ва журналлар (1928 йилда «Худосизлар» номли журнал) ҳар хил оммавий адабиётлар нашр қилинди, кинофильмлар олинди, динга қарши мавзудаги ҳар хил спектаклллар қўйилди. «Худосизлар уюшмаси» тузилди, унинг жойлардаги кўпдан-кўп ташкилотлари зўр бериб атеистик иш олиб борди. Бу сиёсат фуқароларнинг дин эркинлиги ҳуқуқига қилинган ошкора тажовуз бўлиб, у шу йилларда фақат руҳонийлар орасидагина эмас, халқ орасида ҳам норозилик туғдириб, одамларни эсанкиратиб қўйди. Бу даврда мусулмон руҳонийларнинг роли камситилиб, йўққа чиқариб қўйилди. Лекин шундай шафқатсизликка қарамай, маҳаллий аҳолининг анъанавий турмушида ислом дини асосан сақланиб қолди. Бироқ у шароит ва қонун-қоидаларига мувофиқ тарзда тартибга солиб борилди.

Динни, руҳонийлар ва диндорларни сиёсий ва жисмонан таъқиб қилиш халқнинг маънавий маданиятига ниҳоят даражада катта завоёт етказди. Ижтимоий ҳаётда, маъмурий-бўйруқбозлик тартиботи ўрнатилиши билан динга илмий нуқтаи назар инкор этила бошланди. Дин билан атеизмнинг дунёқараш жиҳатидан бир-бирига қарама-қаршилиги сиёсий қарама-қаршилиқ билан алмаштирилди. «Социализмда динга ўрин йўқ, унга дин бегона», деган фанатик қараш, қоида устун бўлиб қолди. Шундай қилиб динга нисбатан салбий муносабат динга қарши зўрлик кўрсатишга айланиб кетди. Мусулмон масжидлар ҳам, рус черковлари ҳам, уларга ихлос қўйган барча диндорлар ҳам бу даврда ўз тарихларида кечирмаган оғир таъқиб ва тазйиқларни бошдан кечирдилар. Масжид ва мадрасаларнинг деярли ҳаммаси фақат диний эмас, маданият, илм, тарбия, санъат марказлари бўлганига қарамай беркитиб қўйилди.

Бироқ шахсга сиғиниш йилларида ва ундан кейинги йилларда атеизмни зўрлаб тикиштириш ва исломга қарши зўрлик ўтказиш диннинг йўқ бўлишига олиб келмади. Диндорлар масжид ва руҳонийлардан маҳрум этилган бўлсалар ҳам тоат-ибодатларини яширинча давом эттиравердилар. Масжид, мадрасаларнинг ёпилиши, руҳонийларнинг қатағон қилиниши аҳоли орасида умуминсоний ахлоқий қадриятларни, миллий маънавиятни тарғиб қилиш, қарор топтириш ишига катта зиён етказди. Ёш авлод ислом дини қолдирган улкан маънавий меросдан маҳрум бўлди. Бу эса Ўзбекистоннинг шу даврдаги ижтимоий-маънавий ҳаётига шубҳасиз салбий таъсир кўрсатди. XX асрнинг 80-йиллар охирига келиб республикага И.А.Каримов бошчилигидаги янги раҳбарият келиши натижасида маънавий ҳаётдаги салбий кўринишларга барҳам берилиб, ўзбек халқининг асрий орзуси бўлмиш мустақиллик сари шахдам қадам қўйила бошланди. Диний ва миллий қадриятларимиз мустақиллик туфайли қайта тикланди.

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев. - Т. : Шарқ, 2000. - Б.394

2-боб. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний уламоларга нисбатан юритган чеклаш сиёсатлари.

Собиқ совет тузуми иқтисодий таянчларининг вужудга келиши маънавий ҳаётнинг зўравонлик билан умумийлаштириш, коммунистик мафкуранинг кенг миқёсда ёпирилиб кириши билан бирга борди. Бундай ёндашув сон-саноксиз истилочилар тўдалари томонидан халқни маънавий жиҳатдан мустамлака таъсирига олиш соҳасида синаб кўрилган андозага тўла тўқис мос келади. Шу муносабат билан Президентимиз И. А. Каримов асосли равишда таъкидлаб ўтганидек, «Узоқ тарихимиздан маълумки, ҳар қандай зўравон босқинчилар ва юртимизда ҳукмронлик қилмоқчи бўлган кучлар ёвуз ниятларига эришиши учун, аввало, миллий маданият ва анъаналаримизни йўқ қилиш, шу йўл билан бизни маънавий жиҳатдан заифлаштиришга, куч-қудратимизни йўқотишга ҳаракат қилганлар».¹

Маълумки, кўп минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек халқи октябрь тўнтариши даврига, ғоят бой маданий меросга эга эди. Бироқ ҳокимиятни советлар қўлга киритгандан кейин Туркистон жамиятининг маънавий ҳаётига ҳалокатли зарбалар берилди. Совет тузумининг «маданий» сиёсати аввал бошдан ахлоқ, адабиёт, санъатни самарали миллий заминдан ажратиб қўйишга, миллий фикрлаш тарзига ёт бўлган «пролетар маданияти»ни ва коммунистик мафкура сингдиришга мўлжалланган эди.

Маданий соҳаларни мафкура измига солиш дин масалаларини ҳам четда қолдирмади. Марксизмга асосланган совет мафкурачилари исломнинг юксак илмий-маданий қимматини инкор этиш учун нисбатан «социалистик турмуш тарзига мос келмайдиган» эски, қоқоқ, реакцион қарашлар деган усткурмани танлаб олдилар.

Большевик ҳукмдорлар ўлкада мустабид-империяча тузумни барпо этиш мантиғига амал қилиб ва тузумга тўғри келмайдиган ижтимоий онг шакллларини, айниқса маҳаллий халқларни бирлаштирувчи куч сифатида намоён бўлаётган ислом дунёқарашини сиқиб чиқаришга интилиб, аввало маҳаллий аҳолининг азалдан амал қилиб келган диний эътиқодига кенг ҳужум қилишни авж олдирдилар.

Совет ҳукумати ва коммунистик партия Туркистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатган дастлабки даврлардан бошлаб халқимизнинг миллий ва диний қадриятларига қарши сиёсат юргиза бошлади. Бу моҳиятан тушунарли ҳолдир. Чунки, совет ҳокимияти халқимизнинг миллий ва диний маънавиятига ўзгартирмасдан туриб бу ўлкада узоқ муддат ҳукмронлик қила олмасликларини яхши билар эдилар. Аммо дин ва диний уламоларга қарши қатағон сиёсатини большевиклар бирданига эмас, балки аста-секин ва босқичма-босқич амалга ошириб бордилар. Россия совет Республикаси ХКС 1917 йил 20

¹ Каримов.И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин...// Халқ сўзи. 1998 йил 17 июнь.

ноябрда эълон қилган «Россия ва Шарқ-нинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаатида: «Сизнинг дин ва урф – одаларингиз.... Бундан буён эркин ва дахлсиз...»¹ деб эълон қилинди. Бироқ реал ҳаётда бунинг акси бўлди.

Марказий ҳукумат- Халқ Комиссарлари Совети 1918 йил 2 январда черковни давлатдан ажратиш тўғрисида қабул қилган декрети жорий этилиб, «Туркистон мухторияти» тугатилгандан кейин 1918 йил бошларидан эътиборан атеистик экстремизм сиёсати айниқса фаол равишда ўтказила бошланди. Бу декрет РСФСР ва собиқ Иттифок Конституциялари асосида қабул қилинган Ўзбекистон ССР нинг 1927 ва 1937 йилларда қабул қилинган Конституциялари учун асос қилиб олинди ва виждон эркинлиги ғояси илгари сурилди. Амалда эса мутлоқо бошқа қонунлар ҳукмронлик қилди. 1918 йил ноябрида Туркистонда эълон қилинган динни давлатдан, мактабни диндан ажратиш тўғрисида декрет, шу каби қатор бошқа кўрсатмалар асосида мачитлар ва мадрасалар ёппасига ёпила бошланди, ислом динига, унинг раҳномаларига кучли тазйиқ, ҳақорат, хўрлашлар авж олдирилди. 20-йиллар бошларида халқ оммасининг қаҳри-ғазаби ошиши натижасида вақфлар, қозиликларнинг тугатилиши тўхтатилган бўлса ҳам (кейинроқ 1928 йил махсус қарор билан вақфлар тугатилган) советлар ҳокимиятининг ерли аҳоли маданияти, имон-эътиқодига душманлик сиёсати ўзгармади. Бундай сиёсат собиқ Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги ҳудудларида ҳам совет тузуми ўрнатилиши билан қўлланила бошланди.

Хоразм республикаси тузилиши билан большевиклар, қизил армия командирлари халқ эътиқодини ҳақорат қилдилар. Маданий обида бўлган хон саройида солдатлар казармаси жойлашди, отлар боғланди. Мадрасалар ёпилди, вақф мулклари мусодара қилинди, 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва қизлар рўйхатини тузишга буйруқ берилди. Бу буйруқ эълон қилинган куннинг эртасига Мухаммадаминхон мадрасисида имом, охун, қози ва бойлар намоёишга йиғилдилар. Оқсоқоллар ўзига қарашли аҳолини бу намоёишга келишгагина эмас, бутун совет ҳукуматида қарши ташвиқот қилдилар. Натижада 1920 йил июнида Хивада мадраса ўқувчилари, мударрислар исён кўтардилар. 5-6 минг киши қатнашган қўзғолонни қизил аскарлар ёрдамида бостирдилар. Исённинг ташкилотчилари қамокқа олиндилар ва қозикалон Иброҳим охун ва Рафи охун, Саиджон қори, Мулла Мухаммадниёз Баходирхон, Мухаммадамин охунлар отиб ташланди.² Қўзғалон шафқатсиз бостирилганига, ғалаба қилмаганлигига қарамай, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига кучли таъсир кўрсатди. Бу воқеа жамиятда руҳонийлар катта куч эканлигига, халқ оммаси советларга нисбатан руҳонийларни кўпроқ қўллаб-қувватлашини намоёиш қилди. Совет ҳукумати диний сиёсатини ўзгартиришга мажбур бўлди.

Бухоро шаҳрига Фрунзенинг қизил армияси ҳужум қилиб, снарядлар ёғдирганида маданий-тарихий аҳамиятга эга бўлган арк, бошқа обидалар ёнғинда қолди, вайрон бўлди. Машхур Минораи Калон тўплардан нишонга олинди, унга жиддий зарар етказилди. Пойтахтда, қатор вилоят ва туманларда мачитлар, мадрасалар бузилди, қўшин отхоналарига айлантирилди. Россия эмиссари И. Сольц Бухоро республикасида иккита вазифа бўлиб, улардан биттаси «мулаларнинг ғоявий таъсирига қарши кураш», деб белгилади. Сўл гуруҳлар «эски мактабларга қарши кураш»ни байроқ қилиб кўтардилар. 1929 йилдан собиқ иттифокда черков ва масжидларга қарши янгитдан ҳужум бошланди. 1929 йил 8 апрелда ҳукуматнинг черков ва масжидларнинг даромадини назорат қилишни кучайтириш тўғрисида фармони қабул қилинди. 22 майда собиқ иттифок конституциясининг 13 моддасига тузатиш киритилди, диний маданий кадриятларга эркинлик бериш баробарида унга қарши ташвиқот олиб боришга ҳам руҳсат этилди. Диний тарғибот бора-бора давлатга қарши сиёсат деб баҳолана бошланди. Диндорлар ва диний хизматчилар ҳамда уларнинг оилалари фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этилди.

¹ Икромов А. О духовенстве и школе // Избранные труды в 3-х томах.- Т., 1972. Т.1. с-283

² ЎзР МДА, 71-фонд, 1-оп., 128-д., В.9.

Улар “хукуқдан маҳрум этилган”лар сингари савдо карточкаларидан, тиббий ёрдам олишдан, коммунал уй-жойлардан маҳрум этилган. Диндорларнинг болалари мактабга бориш ва олий ўқув юртларида ўқишдан маҳрум қилинди. Натижада диний уламоларнинг фарзандлари яшаш ва ўқиш учун отадан воз кечиб, фамилияларини ўзгартиришга мажбур бўлдилар. Юзлаб черков ва масжидлар, жумладан тарихий обидалар бузиб ташланди. Собиқ иттифоқ марказида эса сақланиб қолган черковларнинг қўнғироқларини саноатда метал кераклиги баҳонасида олиб ташланди ва қўнғироқлар овози ишчиларни ишлашига “халақит бермаслиги керак” деб уқтирилди.¹

1929 йил бошида Л.М. Каганович имзоси билан жойларга жумладан Ўзбекистонга ҳам диний ташкилотлар бирдан-бир легал ҳаракат қилаётган ва оммага таъсир кўрсатувчи аксилинқилобий кучдир, деган деректива юборилди. Жойларда большевистик ташкилотлар учун ушбу ҳужжат дин ва диндорларга муносабат учун бирдан-бир асос бўлди. Большевиклар ўзларининг ҳокимиятда тутган йўлларини нисбатан мустаҳкамлаб олган даврдан бошлаб ҳамма жойда мухолифатдаги газеталарни, миллий диний-сиёсий ташкилотларни ёпиб қўя бошладилар, диний муассасаларнинг мол-мулки мусодара қилиниб, руҳонийлар ва обрўли мусулмон арбоблари айбсиз ҳибсга олинди.

Совет ҳукумати ва коммунистик партия «дин-халқ учун афюндир» деган ғояга амал қилди. Диндорлар таъқиб ва тазъийқ остига олинди. Диний адабиётлар «реакцион» деб эълон қилинди. Диний китобларни йўқотиш баҳонасида араб имлосига асосланган эски ўзбек имлосидаги барча китоблар йўқ қилинди. Мачитлар ва мадрасалар бузиб ташланди.

Ўша пайтларда илғор руҳонийларнинг берган маслаҳатлари, уларнинг тинчлик-тотувлик билан таълим ислоҳатларини амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари рад этилди. Чунки расмий ҳукумат улардан хавфсираб, бу янги шароитга мослашиб олиш учун уринаётган руҳонийларнинг айёр сиёсатидир, деб баҳоланди.² Партия ва давлат арбоблари орасида ислом дини Ўрта Осиёдаги маҳаллий миллатларнинг мустамлакачилик зулмига ва руслаштиришга қарши раҳнамоси деган фикр мавжуд эди.³ Шунинг учун ҳам динга ва руҳонийларга қарши 30-йиллар очикдан-очик «совуқ уруш» эълон қилинди. Бунинг учун махсус «курашган худосизлар» ташкилоти тузилиб, унинг бўлинмалари барча корхона ва муассасаларда ташкил этилди. «Курашган худосизлар» иттифоқи умумий шубҳаланиш вазиятини кучайтиришда катта роль ўйнади. Унинг фаолиятида ёш қизларни турмушга бериш, қалин олиш, аёлларни хўрлаш ҳолларига қаршилиқ кўрсатиш каби ишларда ижобий натижаларга эришилган бўлса-да, бироқ руҳонийлар ва динга эътиқод қилувчиларга нисбатан шафқатсиз кураш олиб боришда салбий роль ўйнади. Бу ташкилот берган маълумотлар асосида республика ҳукумати томонидан 1931 йилнинг ўзида Фарғона, Бекобод ва Тошкентда бир қатор черковлар, масжидлар ва диний мактаблар ёпиб қўйилди.⁴ Тошкентнинг Октябрь тумани аҳолиси камсомол клубларига айлантирилган масжидларни халққа қайтаришни талаб қилиб чиқди. Лекин бу чиқишлар тузумга қарши уюштирилган тарғибот деб баҳоланди. «Курашган худосизлар» иттифоқи ҳисоботида кўра, 1931 йилда беш йиллик режа бажарилган бўлиб, унинг сафига Ўзбекистонда 90000 киши аъзо бўлган, улардан 60000 нафари ёшлар эди.⁵ Лекин, шунга қарамаздан, Ўзбекистон халқлари диний эътиқоддан, диний кадриятлардан мутлоқо воз кечмади. Большевикларнинг динга қарши зўравонлиги ва таъқиблари остида бўлса-да, бу эътиқодни имкон даражасида сақлаб қолишга ҳаракат қилди.

¹ Геллер М., Некрич А. История России 1917-1995. В 4-х томах. Утопия у власти. Книга Первая. Социализм в одной стране. М., 1996.-С.237

² Икромов А. О духовенстве и школе // Избранные труды в 3-х томах.- Т., 1972. Т.1. с-285.

³ Хансуваров И. Мусдуховенство // «Коммунистическая мысль» Кн.5.-Т., 1927. с.76.

⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев.- Т. : Шарқ, 2000.-Б.394.

⁵ Ўша жойда.

Бироқ большевистик сиёсий доиралар ўзгача динни, ўзгача эътиқодни халқ онгига сингдиришга ҳаракат қилди. Бу дин-партиянинг дини, яъни марксизм ғояси эди. Бу ғояни оммалаштириш учун барча имкониятлар, воситалар ишга солинди. Жамиятга асосий мафкура сифатида марксизмнинг киритилиши натижасида бошқа дунёқарашлар батамом инкор этилди. Марксизм ғоясини қабул қилмаган ҳар бир киши, у ким бўлишидан қатъий назар, «халқ душмани» деб эълон қилинди.

Совет тарихида масжид ҳамда мадрасаларга нисбатан оммавий тазъийқ ва таъқиб икки марта бўлган. Бири 1934-1939 йилларда, иккинчиси эса 1954-1955 йилларда. 1929-1939 йиллар орасида фақат биргина Ўзбекистон ҳудудининг ўзида 14000 масжид ёптирилиб, буздирилган. Шайхлар, имомлар ва бошқа диний арбоблар жазоланган: қамокқа олинган, сургун қилинган ва ўлдирилган.¹

Жумладан Қорақалпоғистон республикаси, Беруний тумани ҳудудидаги пайғамбар Муҳаммад Саллолоху алайҳи вассаломнинг дўсти Султон Вайс бобога атаб IX асрда қурилган макбара ва масжиднинг тиллодан ясалган жиҳозлари, ҳар хил буюмлари 30-йилларда талон-тарож қилинди. Мадраса эса бузиб ташланди. 1935 йилга оид маълумотларга қараганда Бухоро шаҳридаги Девонбеги мадрасасида Бухоро ёдгорликларини сақлаш комиссиясининг иш юритиш хонаси, экскурсия базаси жойлаштирилган. Кўкалдош мадрасаси ва Девонбеги хонақосида Бухоро шаҳар музейи бўлими жойлашди. Масжиди Калондан ғалла омбори сифатида фойдаланганлар, Қўшмадрасада пахта сақланган. Худди ўша 1935 йилги маълумотларда таъкидланишича, Мир Араб мадрасаси, Баҳовуддин Нақшбанд мазори ҳамда масжиди ва бошқалар диний марказлар сифатида қоралаб келинган.² 1938 йилда Бешкентда туман партия ва ижроия кўмиталарининг қўшма ҳайъатининг йиғилиши бўлди. Унда Маманазаров, Жмак, Отабоев, Жовлиев, Асланова, Дорошенко, Шахобидиновлар қатнашган. Қўшма ҳайъат «Касби қишлоқ советидаги кўхна масжид ҳақидаги масалани кўриб чиқади. қабул қилинган қарорда:»... қишлоқдаги майдонда фойдаланмай хароб бўлиб кетган масжид Сталин номли жамоа хўжалиги аъзоларининг розилиги билан масжиднинг керакли ғиштлари олиниб, бошқа керакли жойга ҳаржлансин ва шунинг тасдиғи жавоби ЎзССР Марказий Ижроқўмининг ҳайъатидан сўралсин»³ дейилган эди. Ана шу тариқа қадимий тарихий обидалар, масжид ва мадрасаларни бузиш, ғиштларини «керакли» жойларга ишлатиш, жамоа хўжаликларининг «розилиги» билан бутун Ўзбекистон ҳудудида анъанавий тус олган эди.

Маълумки, Ўзбекистонда “муқаддас” ҳисобланмиш зиёратгоҳлар, диний арбоблар, “авлиё” мақомини олган зотларнинг қабрларини зиёрат этиш асрлар давомида халқ оммаси ичида урфга кирган, аҳоли ичида “азиз-авлиё” деб ном олган шаҳарларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром баланд даражада эди. Республикамизда ўша йилларда 74 та рўйхатдан ўтган шундай “муқаддас” қадамжолар бўлиб улар доимий тарзда партия органлари диққат назарида турган.⁴[12] Маҳаллий советлар қошидаги комиссиялар бу вазиятни доимий назоратда ушлаб туриб, муттасил равишда дин, диний расм-русумлар, авлиёлар қабрларини зиёрат қилишнинг зарарли тамонлари ҳусусида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борганлар.

20-30 йиллар атеистик ҳаракатнинг кучайиши билан таърифланади. Партия органлари айниқса ёшлар орасида динга қарши кенг миқёсда ташвиқот-тарғибот ишлари олиб бордилар. Атеизмга доир махсус газета ва журналлар (1928 йилда «Худосизлар» номли журнал) ҳар хил оммавий адабиётлар нашр қилинди, кинофильмлар олинди, динга қарши мавзудаги ҳар хил спектаклллар қўйилди. «Худосизлар уюшмаси» тузилди, унинг

¹ Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993 йил, 4 июнь

² Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993 йил, 4 июнь.

³ Саидов М., Равшанов П. Жейнов архиви Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашр. 1996.,-Б.226.

⁴ Тошкент оқшоми. 1983 йил, 15 июнь.

жойлардаги кўпдан-кўп ташкилотлари зўр бериб атеистик иш олиб борди. Бу сиёсат фуқароларнинг дин эркинлиги ҳуқуқига қилинган ошқора тажовуз бўлиб, у шу йилларда фақат руҳонийлар орасидагина эмас, халқ орасида ҳам норозилик туғдириб, одамларни эсанкиратиб қўйди. Бу даврда мусулмон руҳонийларнинг роли камситилиб, йўққа чиқариб қўйилди. Лекин шундай шафқатсизликка қарамай, маҳаллий аҳолининг анъанавий турмушида ислом дини асосан сақланиб қолди. Бироқ у шароит ва қонун-қоидаларига мувофиқ тарзда тартибга солиб борилди.

XX асрнинг 20-30 йилларида совет тузуми ўлкамизда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш, ўлкада мустамлака бошқарув тартибларини жорий этиш баробарида мавжуд тузумга муҳолифатда турганларга қарши кенг кўламда қатағонларни амалга оширди. Биринчи навбатда Республиканинг ватанпарварлик кайфиятидаги раҳбар ходимларини, мустабид тузум кирдикорларига қарши фикр билдирган миллий ижодкор зиёлиларнинг кўпгина вакилларига зарба берилди. Шунингдек синфий кураш ниқоби остида “меҳнаткаш бўлмаган” қатламлардан чиққан кўпгина ижтимоий табақалар, диндорлар, мулкдорлар, савдогарлар ва бошқа қатламларга совет ҳокимиятининг репрессив сиёсати қўлланилди.

Совет ҳокимияти йилларида диндор руҳоний вакиллари ҳам қучли таъқиб остига олинди. Айниқса 1925-1929 йилларда амалга оширилган ер-сув ислоҳати даврида, сўнгра эса 1930-1933 йилларда амалга оширилган коллективлаштириш йилларидаги “қулоқлар”ни синф сифатида тугатиш компанияси даврида дин хизматчиларининг мол-мулки хатга олиниб, ерлари тортиб олинди. Ўзлари эса махсус меҳнат лагерларига, қулоқ посёлкаларига сургун қилинди. Масжид ва черковлар оммавий равишда ёпиб қўйилди.

Рухонийлар совет тузуми олиб борган синфий сиёсат натижасида сайлов ҳуқуқларидан ҳам маҳрум этилдилар. 1927 йил март ойида Ўзбекистон Советларининг II қурултойи Республика Конституциясини қабул қилди, бу Конституция қаятиян синфий тусда бўлиб, большевикча экстремизм мафкураси билан суғорилган эди. Конституцияга мувофиқ “меҳнаткаш бўлмаган” қатламлардан чиққан ижтимоий табақалар, диндорлар ва бошқалар сайлов ҳуқуқларидан маҳрум этилганди (“маҳрумлар”).¹ Бу билан аҳолининг анчагина қисми коммунистик режим томонидан давлат қурилишида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этишдан четлаштирилган эди. Совет ҳокимиятининг диндорларга нисбатан қўллаган бундай адолатсиз сиёсати ўз-ўзидан республикани барча туманларида олиб борилди.

1928-1929 йилги Ўзбекистон ССР бўйича сайлов компанияси даврида Ўзбекистон бўйича берган маълумотга кўра қишлоқ жойлардан сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар орасида 141 минг 421 нафар киши мавжуд бўлиб, ундан 1025 нафари яъни жами “маҳрумлар”нинг 29,6 фоизини руҳонийлар ташкил этган.²

Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш қишлоқ советлари ҳузуридаги махсус комиссиялар орқали амалга оширилган. Уларнинг таркиблари қишлоқ совети раислари, батрачком вакиллари, прокуратура ва ГПУ органлари вакиллари билан тузилган. Бу комиссиялар томонидан ҳуқуқдан маҳрум қилинувчилар рўйхатлари тузилиб, улар қишлоқ фаоллари йиғинларида муҳокама этилиб тасдиқланган баённомалар туман, округ комиссиялари томонидан тасдиқланган.

Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда рухоният вакиллари ва диний уламоларга қарши қатағон сиёсати айниқса 1930 – 1933 йилларда коллективлаштириш сиёсати йилларида авж олди. Ушбу йилларда диний уламоларнинг аксарият қисми совет органлари томонидан меҳнатсиз даромад топувчилар сифатида қулоқ қилиб ташланди. Республикада коллективлаштиришни совет органлари зўравонлик йўли билан амалга оширдилар. Буни шундан ҳам билса бўладики 1929 йил 1 ноябр ҳолатига

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т.: Шарқ, 2000.-Б.315.

² АВПДА 1-фонд, 1-рўйхат, 52 - йиғма жилд, В. 80-82

Андижон вилоятида коллективлаштириш 1,7 фоизга бажарилгани холда, 1930 йил 25 ноябрда 90,6 фоизга етказилган.¹

Динни, руҳонийлар ва диндорларни сиёсий ва жисмонан таъқиб қилиш халқнинг маънавий маданиятига ниҳоят даражада катта заволи етказди. Ижтимоий ҳаётда, маъмурий-буйруқбозлик тартиботи ўрнатилиши билан динга илмий нуқтаи назар инкор этила бошланди. Дин билан атеизмнинг дунёқараш жиҳатидан бир-бирига қарама-қаршилиги сиёсий қарама-қаршилиқ билан алмаштирилди. «Социализмда динга ўрин йўқ, унга дин бегона», деган фанатик қараш, қоида устун бўлиб қолди. Шундай қилиб динга нисбатан салбий муносабат динга қарши зўрлик кўрсатишга айланиб кетди. Мусулмон масжидлар ҳам, рус черковлари ҳам, уларга ихлос қўйган барча диндорлар ҳам бу даврда ўз тарихларида кечирмаган оғир таъқиб ва тазйиқларни бошдан кечирдилар. Масжид ва мадрасаларнинг деярли ҳаммаси фақат диний эмас, маданият, илм, тарбия, санъат марказлари бўлганига қарамай беркитиб қўйилди.

Бироқ шахсга сиғиниш йилларида ва ундан кейинги йилларда атеизмни зўрлаб тиқиштириш ва исломга қарши зўрлик ўтказиш диннинг йўқ бўлишига олиб келмади. Диндорлар масжид ва руҳонийлардан маҳрум этилган бўлсалар ҳам тоат-ибодатларини яширинча давом эттиравердилар. Масжид, мадрасаларнинг ёпилиши, руҳонийларнинг қатағон қилиниши аҳоли орасида умуминсоний ахлоқий қадриятларни, миллий маънавиятни тарғиб қилиш, қарор топтириш ишига катта зиён етказди. Ёш авлод ислом дини қолдирган улкан маънавий меросдан маҳрум бўлди. Бу эса Ўзбекистоннинг шу даврдаги ижтимоий-маънавий ҳаётига шубҳасиз салбий таъсир кўрсатди. XX асрнинг 80-йиллар охирига келиб республикага И.А.Каримов бошчилигидаги янги раҳбарият келиши натижасида маънавий ҳаётдаги салбий кўринишларга барҳам берилиб, ўзбек халқининг асрий орзуси бўлмиш мустақиллик сари шахдам қадам қўйила бошланди. Диний ва миллий қадриятларимиз мустақиллик туфайли қайта тикланди.

¹ Трагедия Среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. Документы и материалы. Том. 1 Составители Шамсутдинов Р.Т., Расулов Б.М. Т.Шарк, 2006. – С. 213.

3-боб. 1937-1938 йилларда диний уламоларнинг оммавий қатағонга тортилиши.

1937-1938 йилларда совет ҳукумати тарихига қатағоннинг энг юқори чўққисига чиққан даври ҳисобланиб, у қатағончилик сиёсатининг «Катта террор»нинг апогеяси сифатида кирган. Сўнгги вақтда чиққан айрим асарларда республика ва хорижда эълон қилинган қатор илмий мақолаларда 1937-1938 йилларда қатағон бўлганларнинг маълум қисми ҳақида янги тарихий маълумотлар илмий истеъмолга киритилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ҳозиргача совет жамияти элитасига қарши қилинган террор тўғрисида тарихчилар томонидан кўп ишлар амалга оширилган бўлса-да, аммо террор гирдобиди, тўлқинида йўқ бўлиб кетган оддий совет фуқароларининг тақдири тўғрисида жуда ҳам оз миқдорда ишлар қилинмоқда.

Маълумки, тарихда шахснинг ўрни ва роли беҳад улкандир. Бутун дунёнинг энг янги тарихи, унинг муҳим воқеалари бундан далолат бермоқда. Мамлакатлар, регионлар ва умуман жаҳон тараққиётида айрим шахсларнинг ғоят катта рол ўйнаганлиги барчага маълумдир. АҚШ президенти Франклин Рузвельтнинг мамлакат ичкарисида ва халқаро майдондаги амалий фаолиятини ўрганмасдан туриб АҚШдаги аҳволни ҳолисона таҳлил қилиш ва давлатнинг иккинчи жаҳон уруши боришидаги сиёсатини чуқур ўрганиш мумкин эмас.

Худди шунингдек, Буюк Британиянинг XX аср биринчи ярмидаги объектив манзарасини Уинстон Черчиллнинг бу мамлакатдаги ролини, унинг давлат ичкарисида ва жаҳон майдонида олиб борган сиёсати ва амалий фаолиятисиз тўлақонли объектив тарзда ёритиб бўлмайди.

Ёки бўлмасам Амир Темурнинг шахсиятини, кўп қиррали фаолиятини, унинг давлат арбоби сифатидаги буюк фазилатларини, миллатпарварлигини, фан ва дин ҳомийси эканлигини англаб, ўрганмай туриб унинг буюк салтанати тарихини, Туркистон давлати тарихини объектив равишда тўлиқ ва кенг кўламда ёритиб бўлмайди.

Марҳум Шароф Рашидов чорак аср мабайнида Ўзбекистон республикасининг биринчи раҳбари сифатида фаолият кўрсатди. Ўзбекистоннинг совет давридаги XX аср 50-йиллар охири-80 йиллар бошларидаги тарихини ҳолисона ёритмоқ учун Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва фаолиятини ҳам чуқур ва алоҳида ўрганмоқ керак.

Мана, 20 йилдирки Ўзбекистоннинг бутун ички ва ташқи сиёсати, ҳаёти, ютуқлари, муаммолари тепасида Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов турибди. Тарихимизнинг шу даврини чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш, буюк инқилобий ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлар, амалга оширилаётган катта кўламдаги ислохотлар объектив ва ҳар томонлама тадқиқ этиш учун юртбошимизнинг ҳаёти ва фаолиятини, унинг сиёсий жасоратини, иш услубини, кенг қамровли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий соҳалардаги жўшқин, ибратли ишларини кўрсатиш лозимдир. Ватан тарихи билан шу ватан, шу мамлакат раҳбарининг ҳаёт йўли, босиб ўтган кураш тарихи билан узвий боғлангандир. Тарих эгасиз яратилмайди.

Бундан И.В.Сталин ҳам мустасно эмас. Унинг XX аср биринчи ярми, 50-йиллар бошидаги ҳаёти ва фаолияти Совет Иттифоқининг ўша даврдаги тарихи билан ҳамоҳангдир, уларни бир-биридан ажратиш эмас, аксинча уларни бир-бирига қўшиб, омухта қилиб тарихий воқеаларга баҳо бериш мумкиндир. Шу боис 1937-1938 йиллардаги, яъни катта террор давридаги СССР тарихини, жумладан Ўзбекистон тарихини ҳаққоний билиш, англаш, ўрганиш, тадқиқ этиш учун ҳам Сталин ва унинг ҳаёт

йўли, сиёсати назарий ва амалий фаолиятини тасаввур этмоқликни талаб қилади. Жумладан, Ўзбекистоннинг 30-йиллардаги тарихини бутун СССР худудидаги тарихий жараёндан ажратиб қараш мумкин эмас. Шу боис Совет Иттифоқидаги катта террор фожеаси Ўзбекистонда ҳам юз берди.

1937 йилнинг май-июн, айниқса сўнгги бир ярим ой даврида, «ҳарбий-фашистик исёнчилар» отилганидан сўнг бўлажак оммавий қатағон кампаниясини интенсив режалаштириш амалга оширилади.

Совет ҳукумати 1937 йил июл ойининг бошларида бўлажак террорнинг юз минглаб қурбонлари тақдирини аниқловчи қарорлар қабул қилинган. Улардан энг муҳими-Сиёсий бюронинг 2 июлдаги «Антисовет элементлар тўғрисида»ги қарори бўлиб у «катта террор» даврининг энг кўламли қатағон оператсиясини ўтказиш учун ўзига хос старт эди.

Ана шу қарор асосида НКВДнинг 00447 сонли мана энди ҳозирда машҳур бўлиб кетган буйруғи («қулоқлар тўғрисидаги буйруғ» деб ҳам аталган ўша вақтда) тайёрланган. Унга кўра 1937 йил 5 августдан 1938 йил ноябр ўрталаригача махсус ташкил этилган учликлар камида 800 000 кишини, улардан ярмини отувга ҳукм қилганлар. 1937 йил августдан НКВД миллий операциялар ўтказиш бўйича яна бир неча буйруғлар қабул қилади. Бу билан 1937-1938 йиллардаги террор қурбонлари миқдори деярли 350 минг кишига кўпайтириб юборилади.¹

1937 йил 30 июлда СССР ички ишлар халқ комиссарининг (Н. Ежов имзолаган) “Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа антисовет элементларни қатағон қилиш бўйича оператсия тўғрисида”ги 00447-сонли оператив мутлақо махфий тамға остидадаги буйруғида антисовет уюшмаларни тергов қилиш материалларида аввалида қатағон қилинган, қатағон бўлишдан яшириниб юрган, лагерлардан, сургунлардан ва меҳнат посёлкаларидан қочиб келган собиқ қулоқларнинг катта қисми қишлоқларда ўрнашиб қолгани қайд этилган. Ўтмишда кўплаб қатағон қилинган черковчилар ва сектантлар, советларга қарши қуроллий чиқишларнинг собиқ иштирокчилари ҳам қишлоқда ўрнашиб олгани таъкидланган. қишлоқда мавжуд бўлган ва уларнинг қолдиғи сиёсий партиялар (есерлар, грузмекилар, дашноқлар, муссаватчилар, иттиходчилар) ходимларининг, шунингдек бандитлар кўзғолонининг собиқ фаол иштирокчилари, оқ жазочилар, репатриантларнинг катта қисмига ҳам деярли тегилмагани буйруғда кўрсатилган.¹

“Юқорида санаб ўтилган элементларнинг бир қисми қишлоқдан шаҳарларга кетиб, саноат, транспорт ва қурилишларга суқилиб кириб олганлар” – дейилган буйруғда.

Бундан ташқари ҳозирга қадар жиноятчилар, хайвон ўғрилари, ретсидивиц-ўғрилари, талончилар ва жазони ўтаб қамокдан қочиб келиб, қатағон бўлишдан яшириниб юрганлар ҳам қишлоқ ва шаҳарларда уя қуриб олганлар.

Бу барча антисовет элементлар, унсурлар колхоз ва совхозлардаги транспорт ҳамда саноат соҳасидаги ҳар қандай антисовет ва кўпоровчилик жиноятларнинг келиб чиқишининг асосий ташкилотчилари экани буйруғда қайд этилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб буйруқда давлат хавфсизлиги органлари олдида бу антисовет элементлар бандасини ҳеч ҳам аямасдан тугатиш, меҳнаткашларни, совет халқини уларнинг аксилинқилобий ҳуружларидан ҳимоя этиш ва уларнинг Совет давлатининг асосига, негизига қарши қилган аблаҳона кўпоровчилигини таг-туғи билан абадул-абад йўқ қилиш зарурлиги ҳам кўрсатилган.

Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб 1937 йил 5 августдан барча республикалар, ўлкалар ва вилоятларда собиқ қулоқлар, фаол антисовет элементлар ва жиноятчиларни қатағон қилиш бўйича оператсия ўтказиладиган бўлди. Бу оператсия Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон ва қирғизицон ССРда 1937 йил 10 августдан бошланадиган бўлди.

¹ Р. Шамсутдинов. Қатағон қурбонлари. (Иккинчи китоб), Тошкент, “Шарқ”, 2007, Б.9.

¹ Шамсутдинов. Р. Қатағон қурбонлари. (Иккинчи китоб), Тошкент, “Шарқ”, 2007, Б.9.

«Катта террор» даврида, яъни 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича фақат собиқ «қулоқ»лардан 5924 киши, жиноятчилардан 1679 киши, бошқа «советларга қарши унсурлар»дан 3097 киши, жами 10700 киши қамоққа олинган. Улардан 3613 киши 1-категория бўйича отувга, 7087 киши 2-категория бўйича 8-10 йил муддат билан қамоқ жазосига, меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган.

1-категория бўйича отувга ҳукм қилинганларнинг 1376 нафари собиқ қулоқлар, 952 нафари жиноятчилар ва 1285 нафари бошқа аксилинқилобий унсурлар бўлган. 2-категория бўйича ҳукм қилинганларнинг 4548 нафари собиқ қулоқлар, 727 нафари жиноятчилар, 1812 нафари бошқа аксилинқилобий унсурлар бўлган.

Фақат 1937 йил 10 августдан 5 ноябргача бўлган вақт ичида Учлик қарори билан Ўзбекистон бўйича қатағон қилинганлардан 3083 маҳбусдан 1688 киши отувга, 1369 киши 8-10 йил меҳнат тузатув лагерига (сургун қилиш шарти билан), 36 нафари қамокдан озод қилишга ҳукм қилинган.

Унинг миллий таркибида ўзбеклар 2361 киши, руслар 462 киши, татарлар 58 киши, қozoқлар 33 киши, турклар 31 киши, арманлар 24 киши, немислар 20 киши, украинлар 18 киши, тожиклар 16 киши, поляклар 12 киши, озарбайжонлар 10 киши, уйғурлар 5 киши, афғонлар 3 киши, хитойлар 3 киши, грузинлар 3 киши, 1 француз бўлган.

Унинг ижтимоий таркиби қуйидагича бўлган: қулоқлар 1543 киши, колхозчилар 781 киши, диний хизматчилар (имом, эшон, домла ва бошқалар) 437 киши, савдогарлар 149 киши, жиноятчилар 87 киши, бойлар 54 киши, хизматчилар 132 киши, ижтимоий аҳволи аниқланмаганлар 645 киши, улар орасида ҳунармандлар, аравакашлар, қоровуллар, сартарошлар, сотувчилар, ўт ўчирувчилар, нафақахўрлар, ногиронлар, хазиначилар, қассоблар, даллоллар ва бошқалар бўлган.

Партиявий жиҳатдан эса улардан 20 нафари собиқ «Шўрои ислом»чи, 91 нафари собиқ «Миллий иттиҳод»чи, 61 нафари собиқ ВКП(б) аъзоси, 17 нафари собиқ эсерлар, 4 нафари «Иттиҳодий ва тараққий»чи, 5 нафари Мусавватчи, 5 нафари Интернатсионал демократик партиянинг собиқ аъзоси, 2 нафари собиқ «Турон» аъзоси, 3 нафари собиқ дашноқчилар, партиясизлар эса 2866 кишидан иборат бўлган.

Қатағон қурбонларидан 454 нафари аввалда «босмачилик» ҳаракатида, 111 нафари колхоз тузумига, қулоқ қилишга қарши қўзғолонда иштирок этганлар. Ана шундай ҳолатни 1938 йилда қатағон қилинганлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Катта террор вақтида Ўзбекистон ҳудудидан ташқари жойларда тақдир тақозаси билан яшаб тириклик қилаётган, хусусан ГУЛАГ ва Меҳнат тузатув лагерлари, колонияларидаги маҳбуслар, Украина, Шимолий Кавказ ўлкаси, қозоғистондаги меҳнат, махсус посёлкаларда сургун азобини тортаётган «собиқ қулоқлар» ҳам тақроран қатағон қилинган эди. Уларни ҳам аниқлаб ҳисоблайдиган бўлинса ўзбекистонликлардан мудҳиш катта террор қурбонлари миқдори анча кўпаяди.

Профессор Р.Т. Шамсутдиновнинг «ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ» асарларида Ўзбекистон бўйича қатағон домига тортилган 10минг 800 нафарга яқин кишилар рўйхати ва улар ҳақида маълумотлар келтирилади. Шулардан 1937-1938 йиллар «катта террор» ёки «қулоқлар операцияси» даврида қатағон қилинганлар ораси диний уламоларнинг 1027 нафарининг исм-шарифлари келтирилган. Улар айримларининг қуйида келтирамиз:

1937 йил 10 августда "Учлик" (Зағвоздин, Икромов, Тўрабеков) қуйидаги маҳбуслар устидан ҳукм чиқарган.

Отувга ҳукм қилинганлар орасида андижонлик диний уламолар қуйидагилар бўлган:
1. Акбархонов Эшонхон тўра - 1872 иили туғилган, ўзбек, Балиқчи райони Ниёзмасжид қишлоғидан, рухоний, имом. ғалла тайёрлашга саботаж қилгани учун 1933 йили судланган ва 100 сўм жарима тўлаган. Шахсан ўзи аксилинқилобий ташкилотида, Афғонистондан хат олиб, совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бориш ва Ўзбекистонда мусулмонобод ташкил этиш мақсадида Балиқчи районида аксилинқилобий гуруҳ тузиш учун чоралар кўрган, деган айб қўйилган.

2. Умматов Мулла Мамаюсуф - 1879 туғилган, ўзбек, Балиқчи район Маллачек қишлоғидан, диний хизматда бўлган, собиқ йирик бой. Акбархонов ташкил. этган аксилинқилобий гуруҳнинг фаол аъзоси бўлганликда, аксилинқилобий, исёнчи ходимлар тайёрлашда иштирок этган, аксилинқилобий, иғво миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

3. Файзихўжаев Жўрахўжа - 1868 йили туғилган, ўзбек, Балиқчи райони Насриддинбек қишлоғидан, собиқ кулоқ, диний хизматчи имом. Аксилинқилобий, ташкилот иштирокчиси, аксилинқилобий, гуруҳнинг яширин йиғинларида иштирок этганликда, интервентларга қуролли ёрдам бериш ҳақида гапирганликда, советларга қарши ташвиқот олиб борганликда айбланган.

4. Асранқулов Мулла Ризоқул - 1879 йили туғилган, ўзбек, Балиқчи район Тувалди қишлоғидан, собиқ кулоқ, диний хизматда, имом. Балиқчи аксилинқилобий, гуруҳнинг нолегал йиғинларида тарғиботини олиб борган, совет ҳокимиятининг қулаши ва Ўзбекистонда мусулмонобод тузилиши муқаррардир деганликда айбланган.

5. Абдукаримов Мулла Насриддин - 1875 йили туғилган, ўзбек, Балиқчи райони Насриддин қишлоғидан, рухоний оиладан, диний хизматчи имом табиб. Аксилинқилобий ташкилотнинг фаол қатнашчиси сифатида яширин йиғилишларда иштирок этганликда, совет ҳокимияти билан кураш олиб бориш учун исёнчи ходимлар тайёрлашда колхозчилар орасида тез орада совет ҳокимияти қулайди ва Ўзбекистон "Мусулмонобод" бўлади деб ташвиқот олиб борганликда айбланган.

6. Бекназаров Мулла Назар - 1872 йили туғилган, ўзбек, Балиқчи район Ниёзмасжид қишлоғидан, савдогар оиладан, диний хизматчи табиб. Аҳолининг кулоқ қисмидаги диний сарқитлардан фойдаланиб доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борган, тез орада совет ҳокимияти тугатилади деб ташвиқот қилган, аксилинқилобий, ташкилотнинг исёнчи ходимлар тайёрлаш масалалари қўрилган яширин йиғилишларда қатнашган деб айб қўйилган.

1937 йил 20 августда "Учлик" (Зағвондин, Икромов, Тўрабеков) қуйидаги махбуслар ушидан ҳукм чиқарган.

Отувга ҳукм қилинганлар орасида андижонлик диний уламолар қуйидагилар бўлган:

1. Норхўжаев Саид Умархўжа - 35 ёшда, Асака райони Ниёзботир қишлоғидан, ўзбек, диний ишлар хизматчиси, эшон савдогарлардан. Хибсга олингунча қалар қайроғоч қишлоғидаги масжидда имомлик қилган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳ раҳбарларидан бири сифатида 1936 йил августда ўз уйида йиғин ўтказиб, тарғибот қилиб, троцкийчиларнинг террорчилик фаолиятининг мақтаганликда айбланган. Ниёзботир қишлоғи масжидида имом сифатида ва Шахабиддинов, Оллаёровлар уйларидаги йиғинларида иштирок этган.

2. Махмудхонов Обоҳон Тўра - 44 ёшда Асака райони Қўнғирот қишлоғидан ўзбек, диний ишлар хизматчиси, имом. Ниёзботир қишлоғи масжидида имом аксилинқилобий, исёнчи гуруҳнинг йиғинида қатнашганликда айбланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борган. Бўлажак очлик ҳақида иғво гаплар тарқатган.

3. Раҳимхўжа Исмоил Халфа - 60 ёшда ўзбек, Асака райони, Қайрағоч қишлоғидан, турк, кулоқ, чорвадор, 1930 йили босмачилар қўрбошчиси бўлган. Хибсга олингунча чорвадор яккахўжалик бўлган. Аксилинқилобий исёнчи, гуруҳ аъзолари Норхўжаев Махмудхоновлар билан масжиддаги яширин йиғилишларда иштирок қилган, совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бориш учун мажбурият олиб, қулочқоқ Ҳожи масжидида оммавий равишда худога сўғиниш ташкил этиб, унда тарғибот олиб борган, фаолларга қарши аксилинқилобий, террорчилик кайфият билдирган, деган айб қўйилган.

4. Бойматов Мулла Сойиб Назар - Асака райони Бўзариқ қишлоғидан, ўзбек, кулоқ 1932 йили қулоққа тортилиб Беговат районида сургун қилинган, у жойдан ўша йили қочиб келган кейинги вақтда диний хизматда бўлган Бўзариқ қишлоғида

имомлик қилган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳ аъзоси Хўжа масжид ва Шаҳобиддинов уйдаги яширин йиғилишда қатнашган совет ҳокимиятига" қарши фикр билдирган, колхозчилар орасида колхозга қарши исёнчилик ташвиқот олиб борган деган айб қўйилган.

5. Назаров Орзиқул - 50 ёшда, турк, Асака райони Қайрағоч қишлоғидан яккахўжалик чорвадор. Аксилинқилобий исёнчи, гуруҳга аъзо бўлганликда Ниёзботир қишлоқ масжидидаги 1936 йил августидаги йиғинда қатнашганликда аҳоли орасида исёнчилик мағлубиятчилик кайфияти туғдирганликда айбланган.

6. Нажмиддинов Эшон Сатратдин Махсим - 1898 йили туғилган мухожирликда бўлган, 1933 йил оммавий сургун қилиш тадбирларига қарши турганлиги учун қамалган. Турмада 4 ой ўтириб чиққан, хибсга олингунга қадар диний хизматда бўлган. 1933 йили хориждан келиб мухожир-рухонийлар кўрсатмаси бўйича Қўштепа қишлоғида мусулмон рухонийларидан аксилинқилобчи троцкийчиларнинг террорчилик, аксилинқилобий исёнчи, гуруҳ ташкил этганликда совет ҳокимиятига қарши курашувчи ва Ўзбекистонда буржуа давлати барпо этиш учун аксилинқилобий ходимлар тайёрлаш билан шуғулланган, деган айб қўйилган.

7. Бегматов Абдухалил қори - 1887 йили туғилган Шахрихон райони Сарой қишлоғидан, ўзбек, 1933 йили давлатга пахта топшириш мажбуриятини бажармаганлиги учун 1 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтаб қайтган хибсга олингунга қадар диний хизматчи, Қўштепа қишлоғи масжидида имомлик қилган. Эгамқулов қуйидаги аксилинқилобий яширин йиғилишда қатнашган, колхозчилар орасида антисовет тарғибот олиб борган гуруҳдан диндор аҳоли орасида аксилинқилобий ташвиқот олиб бориш топшириғини олган деган айб қўйилган.

8. Зайнутдинов Алмуйиддин - 55 ёшда ўзбек, Асака райони Асака қишлоғидан диний хизматчи Сафаробод қишлоғи масжидида имом. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳда аъзо бўлиб унинг яширин йиғилишларида қатнашган, совет ҳокимиятига қарши. Ўзбекистонда мусулмон давлат тузиш учун тарғибот олиб борган деган айб қўйилган.

9. Қамбаров Мулла Боймурод - 1878 йилда туғилган, Балиқчи райони Қўштепа Сарой қишлоғидан, ўзбек диний хизматчи, имом. Аксилинқилобий исёнчи, гуруҳда бўлган унинг яширин йиғилишларида қатнашган, колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик х&рактеридаги фикрларни тарқатган деган айб қўйилган.

10. Йўлдашев Мулла Низом - Балиқчи район, Қўштепа Сарой қишлоғидан ўзбек оилалик, 1933 йили колхоз тузимида қарши чиққанлиги учун хибсга олинган қамоқда 40 кун ётган диний хизматчи, имом. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳда иштирок этган унинг яширин йиғилишларида қатнашган колхозчилар орасида мағлубиятчилик характеридаги иғво гаплар тарқатганликда айбланган.

11. Эгамқулов Қурабат Ҳожи - Балиқчи район Қўштепа Сарой қишлоғидан, ўзбек "Пятилетка" колхоз аъзоси. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳда иштирок этиб рухонийларнинг яширин йиғилишларининг ўтказиш учун ўз уйини берган, советларга қарши мусулмон давлат тузиш учун курашганликда айбланган. Бу махбуслардан 5 киши Нажмиддинов, Бегматов, Зайнутдинов, Йўлдашев, Қамбаровлар отувга, Йўлдашев Мулла Низом билан Эгамқулов Қурабат Ҳожи 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар.

12. Мухаммедов Саид Абдулла - 60 ёшда, Арабистоннинг Макка шаҳридан, миллати араб, диний ишлар хизматчиси. 1910 йили Арабистондан келиб қолган, шундан бери Баҳрин қишлоғида имомлик қилган. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ иштирокчиси сифатида Ниёзботир қишлоғидаги масжидда ва Норхўжаев уйдаги яширин йиғинда иштирок этиб аксилинқилобий, исёнкор фикрлар айтганликда айбланган. Аксилинқилобий, троцкийчиларнинг террорчилик фаолиятини маъкуллаб чиққан.

1937 йил 10 августда "Учлик" (Загвоздин, Икромов, Тўрабеков) қуйидаги махбуслар устидан ҳукм чиқарган.

Отувга ҳукм қилинганлар орасида асакалик диний уламолар қуйидагилар бўлган:

1. Мамаюсупов Муллаашурали - 1887 йили туғилган, ўзбек, Асака райони Толмозор қишлоғидан, рухоний, имом. ғалла тайёрлашга саботаж қилгани учун 1933 йили судланган ва 100 сўм жарима тўлаган. Шахсан ўзи аксилинқилобий ташкилотидан, Афғонистондан хат олиб, совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бориш ва Ўзбекистонда мусулмонобод ташкил этиш мақсадида Асака районида аксилинқилобий гуруҳ тузиш учун чоралар кўрган, деган айб қўйилган.

2. Эшонқулов қори - 1898 туғилган, ўзбек, Асака район Юқори қишлоғидан, диний хизматда бўлган, собиқ йирик бой. Эшонқулов ташкил. этган аксилинқилобий гуруҳнинг фаол аъзоси бўлганликда, аксилинқилобий, исёнчи ходимлар тайёрлашда иштирок этган, аксилинқилобий, иғво миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

3. Холматов Мулла Абуба - 1887 йили туғилган, ўзбек, Асака райони Зангор қишлоғидан, собиқ кулоқ, диний хизматчи имом. Аксилинқилобий, ташкилот иштирокчиси, аксилинқилобий, гуруҳнинг яширин йиғинларида иштирок этганликда, интервентларга қуролли ёрдам бериш ҳақида гапирганликда, советларга қарши ташвиқот олиб борганликда айбланган.

4. Мўминов Мулла Жўра - 1883 йили туғилган, ўзбек, Асака район Бойстон қишлоғидан, собиқ кулоқ, диний хизматда, имом. Асака аксилинқилобий, гуруҳнинг нолегал йиғинларида тарғиботини олиб борган, совет ҳокимиятининг қулаши ва Ўзбекистонда мусулмонобод тузилиши муқаррардир деганликда айбланган.

5. Нажотов Мулла Ҳофиз - 1880 йили туғилган, ўзбек, Асака райони Бойстон қишлоғидан, рухоний оиладан, диний хизматчи имом табиб. Аксилинқилобий ташкилотнинг фаол қатнашчиси сифатида яширин йиғилишларда иштирок этганликда, совет ҳокимияти билан кураш олиб бориш учун исёнчи ходимлар тайёрлашда колхозчилар орасида тез орада совет ҳокимияти қулайди ва Ўзбекистон "Мусулмонобод" бўлади деб ташвиқот олиб борганликда айбланган.

6. Мўминов Мадориф Халфа - 1886 йили туғилган, ўзбек, Асака район Бойстон қишлоғидан, савдогар оиладан, диний хизматчи табиб. Аҳолининг кулоқ қисмидаги диний сарқитлардан фойдаланиб доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борган, тез орада совет ҳокимияти тугатилади деб ташвиқот қилган, аксилинқилобий, ташкилотининг исёнчи ходимлар тайёрлаш масалалари кўрилган яширин йиғилишларда қатнашган деб айб қўйилган.¹

1937 йил 20 августда "Учлик" (Загвоздин, Икромов, Тўрабеков) қуйидаги махбуслар устидан ҳукм чиқарган.

Отувга ҳукм қилинганлар орасида андижонлик диний уламолар қуйидагилар бўлган:

1. Норхўжаев Саид Умархўжа - 35 ёшда, Асака райони Ниёзботир қишлоғидан, ўзбек, диний ишлар хизматчиси, эшон савдогарлардан. Хибсга олингунча қалар қайроғоч қишлоғидаги масжидда имомлик қилган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳ раҳбарларидан бири сифатида 1936 йил августда ўз уйида йиғин ўтказиб, тарғибот қилиб, троцкийчиларнинг террорчилик фаолиятининг мақтаганликда айбланган. Ниёзботир қишлоғи масжидида имом сифатида ва Шахабиддинов, Оллаёровлар уйларидаги йиғинларида иштирок этган.

2. Махмудхонов Обоҳон Тўра - 44 ёшда Асака райони қўнғирот қишлоғидан ўзбек, диний ишлар хизматчиси, имом. Ниёзботир қишлоғи масжидида имом аксилинқилобий, исёнчи гуруҳнинг йиғинида қатнашганликда айбланган. Аҳоли

¹ Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август-5 ноябрь) Иккинчи китоб. Т.: Шарқ, 2007. –Б.49.

орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борган. Бўлажак очлик ҳақида иғво гаплар тарқатган.

3. Рахимхўжа Исмоил Халфа - 60 ёшда ўзбек, Асака райони, қайрағоч қишлоғидан, турк, қулоқ, чорвадор, 1930 йили босмачилар кўрбошчиси бўлган. Хибсга олингунча чорвадор яккахўжалик бўлган. Аксилинқилобий исёнчи, гуруҳ аъзолари Норхўжаев Махмудхоновлар билан масжиддаги яширин йиғилишларда иштирок қилган, совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бориш учун мажбурият олиб, қулчоқ Ҳожи масжидида оммавий равишда худога сиғиниш ташкил этиб, унда тарғибот олиб борган, фаолларга қарши аксилинқилобий, террорчилик кайфият билдирган, деган айб қўйилган.

4. Бойматов Мулла Сойиб Назар - Асака райони Бўзариқ қишлоғидан, ўзбек, қулоқ 1932 йили қулоққа тортилиб Беговат районида сургун қилинган, у жойдан ўша йили қочиб келган кейинги вақтда диний хизматда бўлган Бўзариқ қишлоғида имомлик қилган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳ аъзоси Хўжа масжид ва Шахобиддинов уйидаги яширин йиғилишда қатнашган совет ҳокимиятига қарши фикр билдирган, колхозчилар орасида колхозга қарши исёнчилик ташвиқот олиб борган деган айб қўйилган.

5. Назаров Орзиқул - 50 ёшда, турк, Асака райони қайрағоч қишлоғидан яккахўжалик чорвадор. Аксилинқилобий исёнчи, гуруҳга аъзо бўлганликда Ниёзботир қишлоқ масжидидаги 1936 йил августидаги йиғинда қатнашганликда аҳоли орасида исёнчилик мағлубиятчилик кайфияти туғдирганликда айбланган.

6. Нажмиддинов Эшон Сатритдин Махсим - 1898 йили туғилган мухожирликда бўлган, 1933 йил оммавий сургун қилиш тадбирларига қарши турганлиги учун қамалган. Турмада 4 ой ўтириб чиққан, хибсга олингунга қадар диний хизматда бўлган. 1933 йили хориждан келиб мухожир-рухонийлар кўрсатмаси бўйича Қўштепа қишлоғида мусулмон рухонийларидан аксилинқилобчи троцкийчиларнинг террорчилик, аксилинқилобий исёнчи, гуруҳ ташкил этганликда совет ҳокимиятига қарши курашувчи ва Ўзбекистонда буржуа давлати барпо этиш учун аксилинқилобий ходимлар тайёрлаш билан шуғулланган, деган айб қўйилган.

8. Зайнутдинов Алмуйиддин - 55 ёшда ўзбек, Асака райони Асака қишлоғидан диний хизматчи Сафаробод қишлоғи масжидида имом. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳда аъзо бўлиб унинг яширин йиғилишларида қатнашган, совет ҳокимиятига қарши. Ўзбекистонда мусулмон давлат тузиш учун тарғибот олиб борган деган айб қўйилган.¹

Ушбу айбловлар «учлик» томонидан тўқиб чиқилган айбловлар бўлиб, аслида улар бегунох тинч аҳолии вакиллари эди. Уларнинг «айби» совет тузумининг ўлкада олиб бораётган сиёсати, ерли халққа нисбатан қўлланилаётган адолатсиз маҳаллий шароитларга мос келмайдиган советлар қонунларига қарши бўлиб, диний эркинлик, мустақилликни талаб қилган кишилар эди. Табиийки уларнинг бу ҳақли талаблари совет ҳокимиятига ёқмас эди. Шу боисдан ҳам улар 1937-1938 йиллар оммавий қатлиомнинг қурбонига айландилар. Бутун Ўзбекистонда бўлгани каби Асака туманидан ҳам оммавий қатлиомга тортилган диний уламоларнинг аксарияти совет ҳокимияти ҳукмронлигининг дастлабки йилларида меҳнатсиз даромад топувчилар сифатида сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, сўнгра 1929-1933 йилларда амалга оширилган коллективлаштириш йилларида «қулоқ» хўжаликлари сифатида сургун қилинган эди. 1937-1938 йилларда эса «катта террор» ёки қулоқлар операцияси деб ном олган мудҳиш қатағон йиллари қайтадан қатағон домига тортилдилар. Уларнинг аянчали қисматлари кейинги авлодлари тақдирида ҳам ўчмас из ва истироблар қолдирди.

¹ Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август-5 ноябрь) Иккинчи китоб. Т.: Шарқ, 2007. –Б.39.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтмоқчимизки 1937-1938 йиллар даври «катта террор» даврини кулминацион нуқтасидир. Биз бу «катта террор» кимлар томонидан «ижод қилингани» ва бу мудхиш фожеанинг илдизлари чуқур эканлигининг ва уни аниқлаш йўлида турли қарашлар, талқинлар борлигининг ҳам шоҳиди бўлдик.

Юқоридаги фикрлардан шу нарса аён бўладики, сиёсий қатағон ва унинг бир қисми «катта террор»нинг юзага келишида муайян объектив сабаблар ҳам бўлган. Партия ва совет ҳакимиятига, айниқса уларнинг раҳбариятига қарши қаратилган муҳолифат кучлар кураш олиб бориб, сиёсий ҳоқимиятни ўз қўлларига олиш учун бор имкониятларини ишга солиб, барча воситаларни қўллаб, тиш-тирноқлари билан жанг олиб бордилар. Бундан ташқари, мамлакатнинг турли минтақаларидаги, ҳатто пойтахт Москва ва бошқа йирик шаҳарларда узоқ вақтдан бери раҳбарлик лавозимларини эгаллаб келаётган партия функционерлари мавқеларини, раҳбарлик лавозимларини қўлда сақлаб қолиш мақсадида «аксилинкилобчилар», «советларга қарши кучлар», «собик қулоқлар», «жиноятчилар», советларга сайлов ўтказиш жараёнига қаршилик кўрсатаётганлигини рўқач қилиб, рақибларга нисбатан кескин репрессив чоралар кўришни Марказдан, Сиёсий бюродан, Сталиндан сўраб муроаат қилдилар. Аслида улар 1936 йилги СССР Конституциясида

белгилаб берилган янги сайлов тизимига қарши сиёсат юритганлар. Чунки, янги сайлов тизимида реал ҳокимиятни партиядан халқ қўлига олиб бериш, кенг халқ демократиясини жорий қилиш, давлатчиликни мустаҳкамлаш вазифалари илгари сурилган эди. Янги сайлов тизими асосида сайлов ўтказиш туфайли ана шу маҳаллий партия раҳбарлари реал амал вазифаларидан маҳрум бўлиши кутилди. Шу боис партия функционерлари барча «советларга қарши кучлар»-собик кулоқ ана жинойатчиларни қамокқа олиш, отувга ҳукм этиш таклифлари билан Марказга мурожаат қилдилар. Хуллас, 1937-1938 йиллардаги «катта террор»нинг юзага келишида маҳаллий партия функционерларининг ўрни ва роли ҳам оз бўлмаган.

Собик Иттифокнинг бир қисми бўлган Ўзбекистонда жумладан, Асака туманида ҳам ана шу «катта террор» даврида кўплаб ватандошларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлар топталди, бегуноҳ юртдошларимизга тўқима сохта айблар қўйилди, хилма-хил чақувлар, туҳматлар ишга солинди, тергов жараёнида маҳбуслар беҳад қийновга, ҳам жисмоний, ҳам руҳий азобга солинди. «Учлик»нинг ҳукми билан минглаб одамларимиз отувга ҳукм этилди, ҳукмлар жойларда тезкорлик билан ижро этилди, ҳар бир округда қатлгоҳлар, номаълум қабристонлар пайдо бўлди. 8-10 меҳнат тузатув лагерларига ҳукм қилинган қатоғон қурбонлари узоқ-узоқ юртларга-Шимолга, Узоқ Шарққа, Сибирга, Уралга, Шимолий қозоғистонга сурган қилиндилар. Уларнинг катта қисми ўша бегона юртларда қамок азобларига бардош беролмай ҳалок бўлдилар, жуда ҳам оз қисми кейинчалик озод бўлиб юртга қайтдилар.

Хуллас, совет режими томонидан 1937 йил июлидан бошланган «Катта террор» 1938 йилнинг ноябригача давом этган. Бу мудҳиш қатоғон бутун собик Иттифок халқлари тарихига энг фожеали саҳифа бўлиб кирди. Улар бу фожеани ҳеч қачон, асло ўз қалблари ва хотираларидан чиқармайдилар. Бу фожеа тарихимизнинг энг оғир, қайғули, аламли, ҳасратли, мотамли саҳифасидир.

Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида эл-юртимиз кўп асрлик тарихи давомида кўплаб машъум хотираларни неча бор кўргани, уларнинг жабру-жафосини тортганини таъкидлаб: «...ана шу фожеали ўтмиш, босиб ўтган машаққатли йўлимиз барчамизга сабоқ бўлиши, бугунги воқеликни теран таҳлил қилиб, мавжуд таҳдидларга нисбатан доимо огоҳ бўлиб яшашга даъват этиши лозим. Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилиқ тарихида кўп бора ўз исботини топган»¹

Магистрлик диссертациямизда биз 1937-1938 йилларда ноҳақ қатоғонга учраган бир қанча асакалик диний уламоларимизнинг ҳаёт йўли ва уларнинг авлодаларининг мустақиллик йилларида нашр этилган асарлар, қатоғон қилинган диний уламолар авлодларининг атрофлича эсдаликлари асосида талкин қилишга ҳаракат қилдик.

Хуллас 1937-1938 йилларда совет ҳокимиятининг амалга оширган қатоғон сиёсати Асака туманида ҳам ўзининг фожеали оқибатларини қолдирди. Ушбу қатоғон тиғидан аҳолининг бошқа қатламлари қатори хизматчилар, имомлар, рухоният вакиллари азият чекди. Уларни мустабид тузум совет тузумига қарши аксилинқилобий ҳаракат қатнашчилари, аксилинқилобий йиғинларни ташкил этган ёки уларда қатнашган, совет тузумига қарши ташвиқот олиб борган, қуролли қаршилик ҳаракат қатнашчиларини ғоявий руҳлантирган ёки унда иштирок этган деган сохта айбловлар асосида қатоғон қилдилар.

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: «Маънавият», 2008. 4- бет.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

1. Расмий хужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг асарлари.

- 1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
- 1.2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
- 1.3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998. -31б.
- 1.4. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”. – Тошкент, 1999 йил 12 май.
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”. – Тошкент, 2001 йил 1 май.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори “Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”. – Тошкент, 1999 йил, 22 июль.

3. Адабиётлар:

- 3.1. Ватанимиз ўтмишидан. «Андижон нашриёт матбаа» -Андижон, 2007.
- 3.2. Расулов Б. XX асрнинг 20-30 йилларида Самарқандда сайлов ҳуқуқлари сиёсати. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган республика ёш олимлар илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, 2007.
- 3.3. Ражабов қ. Истиклол шаҳидлари ҳақида икки китоб. Жаҳон адабиёти. 2003. - № 2.
- 3.4. Раҳмонкулова А. Шўро тузумининг 1930-50 йиллардаги катагонлик сиёсати ва уни усуллари. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2000. - № 1,2. - Б. 96-101.
- 3.5. Тарихнинг хасратли саҳифалари. –Т.: Шарқ, 2006.
- 3.6. Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т.:Шарқ, 2001.
- 3.7. Шамсутдинов Р.Т. Истиклол йўлида шаҳид кетганлар. –Т.: Шарқ, 2001.
- 3.8. Шамсутдинов Р.Т. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). –Т.: Шарқ, 2003.
- 3.9. Шамсутдинов Р.Т. Катагон қурбонлари.(1937 йил 10 август- 5ноябрь). Иккинчи китоб. Масъул муҳаррир Н.Ф.Каримов. –Т.: Шарқ, 2007. –
- 3.10. Шамсутдинов Р.Т. Катта террор айбдорлари ҳақида янгича талқинлар. - Андижон, 2007.
- 3.11. Шамсутдинов Р. Акбарова. М. Ўрта Осиёдан қозоғистонга сургун қилинган кулоқлар, уларнинг ҳаёти ва тақдири. (1929-1956 йиллар). Тошкент. 2009 йил
- 3.12. Шамсутдинов Рустамбек, Мамажонов Алишер. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати. –Т.: Шарқ, 2005.
- 3.13. Шамсутдинов Рустамбек. Катагон қурбонлари.(1938 йил февраль, сентябрь). Бешинчи китоб. Т.: Шарқ, 2009. Б.413.

4. Хужжатлар ва материаллар тўпламлари.

- 4.1. Репрессия: 1937-1938 годў. Документў и материалў. Вўпуск №1. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Каримов Н.Ф., Юсупов Э.Ю. отв. ред. Н.Ф.Каримов. – Т.: Шарқ, 2005, - 285 с.
- 4.2. “Репрессия” 1937-38гг. Документў и материалў. Вўпуск 3. Жертвў Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э, Мамажонов А, Дусматов Э. – Т.: Шарқ, 2007. –495 с.
- 4.3. Репрессия 1937-38гг. Документў и материалў. Вўпуск 4. Жертвў Большого террора из Узбекистана. 1937 год, декабрь. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Абдуллаев М., Дусматов Э.П., Курбанов Х.Р. –Т.: Шарқ, 2008. – 573 с.

5. Диссертация ва диссертация автореферати:

- 5.1. Абдуллаев М./ . Ўзбекистонда советларнинг кулоқ қилиш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари (1925-1945 йиллар). Фан номзоди дисс. автореферати. Тошкент, ЎЗР ФА, 2002. –30 б.
- 5.2. Мамажонов А. Коллективлаштириш жараёнида Ўзбекистон қишлоқ-ларидан Шимолий Кавказга сургун қилинганлар. Фан номзоди дисс. автореферати. - Андижон, АДУ. 2005. – 32 б.
- 5.3. Акбарова. М.Л. Ўрта Осиёдан Қозоғистонга сургун қилинган кулоқлар, уларнинг ҳаёти ва тақдири. (1929-1956 йиллар). Фан номзоди дисс. автореферати. -Тошкент. 2010 йил

6. Хотиралар.

6.1. Хасанов Қудратиллохоннинг хотираларидан. Андижон вилоят Асака шаҳар Навоий ккчаси 7 хонадон. 2011 йил 3 февралда суҳбат жараёни магистрант Қурбонов Ўткирбек томонидан ёзиб олинган.

6.2 Хасанов Қ.нинг шахсий архивидаги Х.Баҳромхўжаевнинг 1937 йил сентябрдаги мактуби.

6.3. Қудратиллохон Хасанов хотираларидан. Андижон вилояти Асака тумани Навоий кўчаси 7 уйда яшайди. 2011 йил 4 февралда магистрант Қурбонов Ўткирбек томонидан ёзиб олинган.

6.4. Аббосов Саид Ваққоснинг хотираларидан. Асака тумани Қўнғирот қишлоғида яшайди. 2011 йил 26 апрелда магистрант Қурбонов Ўткирбек томонидан ёзиб олинган.

6.5 Қўчқаров Бўтабуваннинг хотираларидан. Асака тумани Қайрағоч қишлоғи Турк маҳалласида яшайди. 2011 йил 27 апрель куни магистрант Қурбонов Ўткирбек томонидан ёзиб олинган.

6.6. Орзиқулов Мирзакарим хотираларидан. Асака тумани Қайрағоч қишлоғи Турк маҳалласида яшайди. 2011 йил 26 май куни магистрант Қурбонов Ўткирбек томонидан ёзиб олинган.

6.7. Хофизов Нажмиддин хотираларидан. Балиқчи тумани Ниёзмачек қишлоғидан. 2011 йил 15 март куни магистрант қурбонов Ўткирбек томонидан ёзиб олинган.

6.8. Хакимова Жаннатхола хотираларидан. Балиқчи тумани Ниёзмачек қишлоғидан. 2011 йил 15 март куни магистрант Қурбонов Ўткирбек томонидан ёзиб олинган.

6.9. Ашуров Қодирхон тўранинг хотираларидан. 2011 йил 15 апрель куни магистрант Қурбонов Ўткирбек томонидан ёзиб олинган.

6.10. Саврихон момо хотираларидан. Фарғона вилояти Қува тумани Димитреев қишлоғида яшайди. 2011 йил 19 апрель куни магистрант Қурбонов Ўткирбек томонидан ёзиб олинган.




Қатағон қурбони Ҳамидхўжаев Юнусхўжа



Қатағон қурбони Ҳамидхўжаев Юнусхўжани қизи 79 ёшли Саврихонмамо




Қатағон қурбони Хасанхон Баҳромхўжаевни ўғли Хасанов Қудратиллохон



Қатағон қурбони Махмудхонов Оббосхон Тўра



Қатағон қурбони Райимхўжаев Исмоил Халфанинг невараси Қўчқаров Бўта бува



Қатағон қурбони Назаров Орзиқулнинг ўғли Орзиқулов Мирзакарим тоға

